



ТОТУВЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Она диёримизда яшовчи барча халқлар ҳаётида муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 17 йил тўлди. Унда инсон ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият деб белгилаб қўйилгани юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли исботини топмоқда. Конституциямиз асосида олиб борилётган саъй-ҳаракатлар ижобий натижаларини берапти. Бундай ҳолни диний-маърифий қадриятларимизнинг қайта тикланишида ҳам аниқ кўрамыз.

Асосий Қонунимизда жинси, миллати, дини, ирқи, ёши, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқаларга кўра инсон ҳуқуқларини муайян даражада камситадиган бирорта ҳам модда йўқ. Минг йилликлар давомида аждождлардан авлодларга, ота-оналардан фарзандларга, ворисларга ўтиб келаётган ва такрорланмас ажойиб анъаналарнинг, инсоний фазилатларнинг Асосий Қонунимизда акс этгани таҳсинга сазовор.

1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунга асосан диний ташки-

лотларнинг бошқа ташкилотлар билан тенгҳуқуқлилиги таъминланди. Мазкур қонуннинг прозелитизм, миссионерлик ҳаракатлари фаолиятини тақиқлаш ҳақидаги 5-моддаси эътиқод софлиги, диний бағрикенгликка асослангандир.

Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий ва бошқа буюк аждождларимиз бирдамлик ва маънавиятни асраш, ривожлантириш, фозилликка, икки дунё саодатига эришиш масалаларини ўзларига хос тарзда ҳал этишган. Умумтароққиётга доир вазифаларни улар юксак имон-эътиқод, соф ахлоқийлик, ҳалоллик, илм-фанга асосланиш, меҳнатсеварлик ва ўзаро ёрдам билан узвий боғлиқ ҳолда кўришган.

Фақат диёримиз миллий мустақилликка эришгач, азалий орзу-умидларимиз амалга ошди, асрий қадриятларимиз тикланди ва ривожланиб боряпти. Маданиятимиз, динимиз табиий тарихий-миллий асосларига қайтмоқда. Айниқса, маънавиятимиз асосларини, аждождларимиз қолдирган бой ме-

росни ўрганишга, тарғиб этишга, улуғ аждождларимизнинг зиёратгоҳларини ободонлаштиришга, она тилимиз равнақига кенг шароит яратилгани миллий тараққиёт учун қудратли омил бўлди.

Асосий Қонуннинг 31-моддасига биноан ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди. Бу ҳол динимиз қоидаларига ҳам мувофиқ келади:

“Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди...” (Бақара, 256).

Давлат амалдаги қонунлар асосида турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади. Миссионерлик, мутаассиблик, экстремизм, тоифачилик, фирқабозлик хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Аммо Асосий Қонунимизнинг мазкур 31-моддасини айрим-айрим кимсаларнинг, миссионерларнинг

бузиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Улар қонунга зид ҳаракатларини турли йўллар ва усуллар билан амалга оширишяпти. Ўзларининг нопок мақсадларини ёшлар ўртасида, айниқса, диний маълумоти бўлмаган ёки ёт таъсирларга берилувчан айрим содда фуқаролар орасида ёйишга уринишмоқда. Натижада айрим одамлар алданиб, моддий-маънавий қийинчиликлар баҳонасида миссионерлар, бузғунчилар тузоғига илиниб қолишяпти. Шу муносабат билан барчани огоҳликка, ҳақ динимизни, миллий қадриятларимизни, бой тарихий меросимизни ҳимоя қилишга чорлаймиз.

Фитналарга бошловчи ҳар қандай ҳаракат ва ғояларга бефарқ бўлмаслигимиз, мустақил диёримиз равнақини таъминлаш, халқимиз тинчлигини сақлашдек улуғ ишга ҳаммамиз холис ҳисса қўшишимиз керак.

Абдулҳамид ТУРСУНОВ,
ЎМИ фатво бўлими мудири



Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 18-модда



КЎП КУЛИШ ҚАЛБНИ СЎНДИРАДИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

... وَمَا آتَاكُمْ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ
وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا...

**«...Пайгамбар сизларга етказган нарса-
га амал қилинглар, сизларни қайтарган
нарсадан сақланинглар!...» (Ҳашр, 7).**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Парвардигорим менга буюрган тўққиз нарсани сизларга ҳам буюрман: Парвардигорим менга яширин ва очик ҳолда ҳам ихлосли бўлишни; ғазабли ва бошқа ҳолда ҳам одил бўлишни; бойлик ва камбағаллик ҳолида ҳам тежамкор бўлишни; менга зулм қилганни кечиримни; мени маҳрум қилганга беришимни; мендан алоқасини узган билан алоқа боғлашимни; сукутим фикр бўлишини; гапим зикр бўлишини; (атрофга) қарашим ўғит олиш бўлишини буюрди” (*Русайн ривояти*).

* * *

“Ҳаромлардан сақлансангиз, одамлар орасида обиди бўласиз, Аллоҳ берганига рози бўлсангиз, одамларнинг бойи бўласиз. Қўшнингизга яхшилик қилсангиз, мўмин бўласиз, ўзингизга истаган нарсани одамларга ҳам истасангиз, мусулмон бўласиз. Кўп кулманг, кўп кулиш қалбни сўндиради” (*Имом Аҳмад, Имом Термизий*).

* * *

“Керакли нарсаларни ва ризқни исташга тонгданоқ киришинг. Тонгда барака ва яхшилик бор” (*Табароний, Баззор*).

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ

Абдулазиз МАНСУР

Абдураззоқ ЮНУС

Ортиқбек ЮСУПОВ

Анвар ТУРСУН

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Абдулҳамид ТУРСУН

Ҳайдархон ЙЎЛДОШЎЖАЕВ

Баҳодир КАРИМОВ

Эркин МАЛИК

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Исомиддин ОЛИМОВ

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Саҳифаловчи

Юсуф САБУРОВ

Маттни

Раҳима КАРИМЖОН қизи билан Зебунисо
терди.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри

Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;

Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.

Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz

Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2009 йил 9 декабрда рухсат берилди. Босмахонага 2009 йил 9 декабрда топширилди. Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 28000 нусха. 795-сон буюртма. «Шарқ» нашриёт-матбаа ҳиссдорлик компаниясида босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганда исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Долзарб мавзу	
Абдулҳамид ТУРСУНОВ	
Тотувлигимиз кафолати	1
Таянч нуқта	
Кўп қулиш қалбни сўндиради	2
Қутлов	
Омонулла МАДАЕВ	
Навқирон ёш	5
2009 йилги ҳаж	
Шайх Абдулазиз МАНСУР	
Ҳажингиз мабрур бўлсин	5
Ўтмишдошлар саҳифаларидан	
Салоҳиддин МУҲИДДИН	
Абу Ҳанифа фикҳи	7
Қутлов	
Умарали НОРМАТОВ	
Исми жисмига мос	7
Бугуннинг гапи	
Даврон МАҚСУДОВ	
Нозик масала	8
Ҳаж таассуротлари	
Юрт меҳри йўлдош бўлди	9
Қутлов	
Абдувоҳид ЎРОЗОВ	
Тилингни авайла, омондир бошинг	12
2009 йилги ҳаж	
Ҳаждан янгиликлар	13
Аёллар саҳифаси	
Мукаррам ФОЗИЛОВА	
Она хафа бўлса...	14
Оқила қайнона	14
Болани ҳурмат қилинг	15
Олисларга саяҳат	
Аҳмад ТУРСУН	
Латвия Республикаси	16
Мактубларда манзаралар	
НИЛУФАР	
Шукр қиламан...	17
“Ҳидоят” 10 ёшда	
“Ҳидоят”нинг содиқ шогирдларимиз	18
Масжидларимиз	
«Чўбин», «Тегана» жомеъ масжидлари	21
Усмон САИДОВ	
Аждодларимизга муносиб бўлайлик	24
Абдусалом ИБРОҲИМОВ	
Шукрона	24
Шеърят	
Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ	
Кўнги гавҳарлари	26
Беҳзод Фазлиддин	
Сўнги ваъда	26
Маҳмадўст САЪДИНОВ	
Яхшилик	26
Рустам ҚОДИР	
Чустий ғазалига мухаммас	27
Мовароуннаҳр уламолари	
Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН	
Заҳматкаш олим	28
Ёмонликдан қайтариш	
Исмоил ҳожи РАЙҲОНОВ	
Исроф гуноҳ ишлардандир	29
Мактубларда манзаралар	
Салоҳиддин КАМОЛОВ	
Инсоний бурчимиз	30
ХОСИЯТ	
Соғлиқнинг баҳоси йўқ	30
Чори МУҲАММАДНАЗАР	
Ёмон дуодан сақланинг	30
Ибротли ҳикоялар	
Менинг товам кичкина.....	31
Ёнги хавфсизлиги ойи	
Тоир ФАЙЗУЛЛАЕВ	
Ўт балосидан сақласин	32
Хаттотлар мусобақаси	32

Мазҳабимизни ўрганамиз

Муҳаммад АБДУЛЛОҲ

ИМОМ МУҲАММАД
ИБН ҲАСАН ШАЙБОНИЙ

4 Имом Муҳаммад нафақат фикҳ, балки тафсир, ҳадис илмларида ҳам етук бўлган. Дасуқий Имом Муҳаммадни: “Мусулмон ва мусулмон бўлмаганларнинг тинчлик ва уруш ҳолатидаги муносабатларига оид батафсил ва кенг қамровли китоблар ёзган Ислом фақиҳи”, деб улуғлайди.

Саҳобалар ҳаёти

Абдураҳмон РАЪФАТ ПОШО

ТАЛҲА ИБН
УБАЙДУЛЛОҲ

Талҳа ибн Убайдуллоҳнинг (розийаллоҳу анҳу) Исломга ва барча мусулмонларга садоқати чексиз эди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) уни «Яхшилигини аямайдиган, сахий ва олийҳиммат Талҳа» деб атардилар.

10

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Инқирозга қарши чоралар муҳокамаси

ИКТ бош котиби Акмалуддин Эҳсонўгли: “Иқтисод ва савдони қўллаб-қувватлаш чоралари кўрила бошлаганидан буён ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо алоқалари жадал ривожланди, савдо айланмасининг 16,6 фоиз ўсишига эришдик”, дея таъкидлади.

23

Дин ва фан

Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ

ДИНШУНОСЛИК
ИСТИҚБОЛЛАРИ

Муқаддас Китобимиз Куръони каримда, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) муборак ҳадисларида яҳудийлик, насронийлик, собийлик каби дин ва эътиқодларга оид маълумотлар бор. Куръон ва ҳадисда бундай маълумотлар борлиги мусулмонларга бошқа динлар тарихини ҳам ўрганиш мумкинлигини билдиради.

25



Куфа фикҳ мактабига Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) асос солган бўлсалар, унинг тараққий этишида шогирдлари Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳиссаси катта. Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан бўлиб, “Шайбоний” унга берилган нисбадир. Отаси асли Дамашқ яқинидаги Ғута қишлоғидан бўлган. Имом Муҳаммад Ироқдаги Восит қишлоғида 749 (123 ҳ.) йили туғилиб, Куфа ва Боғдод шаҳарларида воёга етган. Ун саккиз ёшгача устози Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳузурларида таълим олган.

ёт”, “Руқийёт” ва “Китоби зиёdot”лар киради. Улар «Ғайри “Зоҳир ривоя” китоблари» деб номланган.

Мазкур асарлар йиллар давомида мазҳаб фақиҳлари учун ишончли манба бўлиб келган. Имом Абу Фазл ибн Муҳаммад Марвазий “Зоҳир ривоя” китобларига “Куфий” деб ном берганлар.

Олимлардан Абу Сулаймон Жузжоний, Абу Ҳафс Бухорий, Мусо ибн Носир Розий, Муҳаммад ибн Симоъ, Муалло ибн Мансур, Иброҳим ибн Рустам, Ҳишом ибн Убайдуллоҳ, Исо

ИМОМ МУҲАММАД ИБН ҲАСАН ШАЙБОНИЙ



Абдулкарим Зайдон Шайбоний: “Абу Ҳанифа фикҳ йўналишида асар битмади, унинг сўзлари бизгача Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасанлар (раҳимаҳумаллоҳ) орқали етиб келди”, деб ёзади. Ҳақиқатда, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) мактабининг услуби ижтиҳод руҳини тарбиялайдиган, ўқувчиларда эркин фикрни шакллантирадиган ҳалқа бўлган.

Шунингдек, бўлғуси олимга Мисвор ибн Кидом, Молик ибн Миғвол, Умар ибн Зар Ҳамадоний,

Суфён Саврий, Абдурахмон Авзоъий (раҳматуллоҳи алайҳим) устозлик қилишган. Мадинада Имом Моликдан (раҳимаҳуллоҳ) уч йил таҳсил олиб, сўнгра Боғдодга қайтиб, фаолиятини давом эттирган. Имом Шофиъий (раҳимаҳуллоҳ) билан кўп масалаларда мунозара қилишган. У зот Имом Муҳаммадни устозим деб ҳурмат билан тилга олган.

Имом Муҳаммаднинг барча китоблари бизгача етиб келган. Дасуқий айтишича, у фикҳни илмий услубда китоб шаклига келтирган биринчи олим эди. Олимлар Имом Муҳаммад асарларини икки гуруҳга бўлишади: биринчи гуруҳга “Мабсут”, “Зиёdot”, “Жомеи кабир”, “Жомеи сағир”, “Сияри кабир”, “Сияри сағир” китоблари киритилиб, уларнинг ҳаммаси “Зоҳир ривоя” деб номланган. Китобларнинг бундай аталиши уларда келтирилган далилларни ишончли кишилар ривоят қилишгани туфайлидир. Иккинчи турга “Кайниёт”, “Ҳоруниёт”, “Журжони-

ибн Ибон, Муҳаммад ибн Муқотил, Шаддод ибн Ҳукайм ва бошқалар Имом Муҳаммаднинг шогирдларидир. У зот илмга рағбати кучли бўлганидан баъзан уй аҳлига ҳам: “Мендан кундалик эҳтиёжингизни сўраб, фикримни чалғитманглар, ҳожатингиз бўлса, вакилим орқали ҳал қилинглар”, дер экан. Имом Шофиъий (раҳматуллоҳи алайҳ): “Ихтилофли масалаларда Муҳаммад ибн Ҳасандан бошқа қониқтириб жавоб берадиганини учратмадим, ҳалол ва ҳаром, носих ва мансوخ масалаларида ундан билимдонроғини кўрмадим”, деб ёзади.

Имом Муҳаммад нафақат фикҳ, балки тафсири, ҳадис илмларида ҳам етук бўлган. Дасуқий Имом Муҳаммадни: “Мусулмон ва мусулмон бўлмаганларнинг тинчлик ва уруш ҳолатидаги муносабатларига оид батафсил ва кенг қамровли китоблар ёзган Ислом фақиҳи”, деб улуғлайди. Зумайрия эса олимни: “Уруш ва сулҳ шартномалари, элчилар ва вакилларни юбориш, урушнинг оқибатлари, уруш ташкил қилиш сиёсатида нима мумкин ва нима мумкин эмаслигига доир ҳукмларни жамловчи фикҳий асарлар ёзган Ислом дини тарихидаги биринчи шахс эди”, дея таърифлайди.

Баъзи олимлар: «Гротсий “Сияри Кабир” асарини ўқиган ва халқаро муносабатларга оид тамойилларни ишлаб чиқишда мазкур китобдан фойдаланган», деб ёзишади...

Олмониянинг Ҳотенҳем шаҳрида “Халқаро ҳуқуқ бўйича Шайбоний жамияти” ташкил этилган. Мазкур жамият Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг илмий меросини ўрганиш, фикрларини юзага чиқариш ва Ислом халқаро ҳуқуқига оид китобларини нашр қилиш билан шуғулланади.

Муҳаммад АБДУЛЛОҲ

НАВҚИРОН ЁШ



«Илк ваҳий “Ўқи!” деган амр бўлганининг буюк ҳикмати бор. Аллоҳ таоло илмни қиёматгача бандалар учун Аллоҳ маърифатига эришиш, ҳақиқатни топиш, икки дунё саодатини қўлга киритиш воситаси қилди», деб бошланади журналнинг 2008 йил 5-сонидаги “Илк ваҳий амри” мақоласи. Агар журналнинг илк нишона сонидан то ушбу сонигача чиққан мақолалар мағиз-мазмунини белгилашга ҳаракат қилсак, бу нарса юқорида қайд этилган икки жумлада ифодасини топганига амин бўламиз. Тахририят ходимлари мана шу ўн йилдан бери бутун иқтидори, изланишлари, ижод маҳорати ва ҳаракатларини юртимиз аҳли қалбини нурлантиришга йўналтираётганларига гувоҳмиз.

Назаримда, илк “Хидоят” олдида дастлаб ечимини топиш анчайин мушкул бир қатор муаммолар турар эди. Ўзбекистон халқининг XX аср 80-йиллари охиригача умумисломий оламдан хийла узоклашиб кетгани, юртимизда ўзини Ислом дини ҳимоячилари қилиб кўрсатишга ҳаракат қилаётган шахсларнинг сон, йўналиш, мақсад жиҳатдан кўплиги, мураккаб вазиятда ҳақиқий ҳидоятни аниқ белгилаш масъулияти кабилар шулар жумласидан-

дир. Масаланинг яна бир муҳим томони бор: “Хидоят” журнали оммавий ахборот воситаси сифатида мазмуни, мундарижаси, безатилиш даражаси – умумий савиясига кўра, замон талабларига жавоб берувчи рақобатдош нашр бўлиши ҳам зарур эди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкин, журнал ҳар икки вазифани қийинчилик билан бўлса-да уддалаб келяпти.

Шахсан менинг ўзим “Хидоят”нинг янги сонидан нималар кутаман? Аввало, журнал қўлга олишга арзигulik даражада гўзал безатилган, файзли асар сифатида менинг эътиборимни ўзига тортади (баҳор фаслидаги ўрик гуллари ортидан кўр тўкиб турган гумбаз, кўҳна обидалар, санъат даражасидаги жозибали тасвирлар). Иккинчидан, ҳар бир сонидан курамыздаги биронта мамлакат ҳаёти, Ўзбекистоннинг бирор вилоятидан олинган маълумотлар ва маърифий мақолалардаги ҳикматли мулоҳазалардан теша тегмаган янгиликлар оламан. Учинчидан, саҳифаларидаги “Яхшиликка чақириш”, “Таянч нуқта”, “Мерос”, “Саҳобалар ҳаёти”, “Олисларга саёҳат”, “Хабарлар”, “Аёллар саҳифаси”, “Шеърят”, “Машҳур қорилар”,


“Ибрат” каби рукнлардан ҳам фойдали, ҳам қизиқарли, ифода услуби жиҳатдан изчил мақолаларни мароқ билан ўқийман. Давлатимиз турли номлар берган ҳар бир йилни ёритиш, Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлаш юзасидан ҳам журнал ҳозиржавоб бўлди.

Ҳозирги давр бутун дунё журналистикасида ҳар бир оммавий ахборот воситаси (вақтли матбуот, радио, телевидение)нинг ўз қиёфасига эга бўлиши энг қадрли фазилатлардан ҳисобланади. “Хидоят” журналидаги мақолаларда фикрнинг оммабоб бўлишига зарар етказмаган ҳолда илмий мушоҳада юритилишини ана шундай ҳислатлардан бири деб кўрсатган бўлардим. Хусусан, “Ёлғончиларга алданманг” (Иброҳим, Турсунали), “Бой бўлай десангиз” (Эркин Аъзам), “Эзгу ниятга илм билан етилади” (Сайфиддин Жалилов билан суҳбат – Муҳаммад Вафо) каби мақолалардан олган таассуротларим хотирамдан чиқмайди.

Навқирон ёшинг муборак бўлсин, “Хидоят”!

Омонулла МАДАЕВ,
филология фанлари номзоди





ҲАЖИНГИЗ МАБРУР БЎЛСИН

Ҳаж Исломининг асосий арконларидан, қодир бўлган мўмин-мусулмон умрида бир марта адо этиши фарз ибодат саналади. Шунинг учун ҳам давлатимиз мусулмонларнинг ҳар йили ана шу муҳим ибодатни эмин-эркин, қулай шароитларда адо этишларига барча имкониятларни яратиб бермоқда.

Бу йил ҳам минглаб ҳожиларимиз Илом динининг тамал тоши қўйилган, Куръони карим ваҳийлари индирилган табаррук диёрга ҳаж сафарига отланишган эди. Куни кеча улар зиммаларидаги фарз ибодатини эсон-омон адо этиб, она-диёримизга қайтишди.

Бу йилги ҳаж мавсумига катта тайёргарлик кўрилди. Республика раҳбарларининг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли ҳожиларимизнинг машаққатлари енгиллашди. Қулай, ибодат жойларига яқин меҳмонхоналарга жойлаштирилди. Ҳожилар хизмати учун ташкил этилган ишчи гуруҳлари томонидан ўз вақтида озик-овқатлар етказиб туриш, зарур жойларга бориш учун улов билан таъминлаш, ҳожилар саломатлигини муҳофаза этиш каби масалалар юксак даражада ташкил этилди. Буни ҳожиларимиз ҳам қайта-қайта таъкидлашди. Улар ҳаж ибодатини ташкил этишда-

ги қулай имкониятлар учун Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Саудия Арабистонидаги ҳамкори “ал-Ҳидоя» ширкати раҳбарияти ва ходимларига самимий миннатдорликлар билдиришди.

Бу йилги ҳаж мавсумининг мана шундай тартибли, чиройли, бекам-кўст, тинчлик-омонликда ўтиши билан бир қаторда айрим нохуш ҳолатлар ҳам рўй берди. Маълумки, фикҳ китобларимизда ҳажнинг мусулмонга фарз бўлиши учун бошқа нарсалар қатори йўлнинг очик ва хавф-хатарсиз бўлиши ҳам шарт.

Бу йил айрим ватандошларимиз шариатнинг бу талабига хилоф равишда жонларию молларини хавф-хатарга қўйиб, қийинчиликларга учраб, норасмий равишда бошқа мамлакатлар орқали ҳажга боришга ҳаракат қилишди. Хайрият, бу ноҳўя ишнинг вақтида олди олинди. Шунинг учун, мусулмонлари-

мизга яна бир бор шариатнинг мазкур талабини эслатиб қўймоқчимиз.

Йўл очик бўлиши билан бирга ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос шарт-шароитлари, имконият ва узрли чекловлари ҳам бўлади, уларга ҳамма риоя қилиши шарт. Бошқа Илом диёрларида ҳам худди биздаги каби ҳожилар адади ҳар йили маълум миқдорда белгиланади. Ҳажга бормоқчи бўлганлар олдиндан ёзилиб, навбатлари келишини сабртоқат билан кутишади. Ҳатто Маккаи муқаррамада яшовчилар ҳам. Шунинг учун ҳажга боришга интиқ халқимизга яна эслатмамиз: ҳар хил норасмий йўллар билан ҳажга боришга ҳаракат қилиб, ғайриқонуний равишда жони ва молини хавф-хатарга қўйишнинг мутлақо кераги йўқ. Диёримиз мусулмонлари энди ҳеч қачон бундай йўллар билан улғу сафарга отланмайдилар, деб умид қиламиз. Ўзи чақирган пайтда “Лаббайка” деб боришни барчамизга Аллоҳ таоло насиб этсин.


Шайх Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси ўринбосари

Ўтган асрда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг «Совет Шарқи мусулмонлари» (1968) журнали бир неча тилда босилганини биламиз. Кейинчалик унинг номи «Мовароуннаҳр мусулмонлари» (1991), «Ўзбекистон мусулмонлари» (1995) бўлди, 1999 йилдан буён «Ҳидоят» номи билан нашр қилинмоқда. «Совет Шарқи мусулмонлари»нинг 40 йиллиги, «Ҳидоят»нинг 10 йиллиги муносабати билан «Абу Ҳанифа фикҳи» мақоласини («Мовароуннаҳр мусулмонлари» 1992 йил 2–3-сонлар) жузъий қисқарттиш ва тузатишлар билан эътиборингизга ҳавола этиямиз.



АБУ ҲАНИФА ФИҚҲИ

Имом Шофитийнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳақида: «Ҳамма фикҳ илмида Абу Ҳанифага қарамдир», деган сўзи уламолар ўртасида машҳур. Имом Молик ҳам у киши билан мунозарадан сўнг: «Бу одам ҳақиқий фақиҳ экан», деганлар. Абу Ҳанифа ана шундай тенги йўқ фақиҳ эдилар.



Чунки у зот фикҳий тафаккур йўлида ҳеч ким босиб ўтмаган йўлни ўтиб, ҳеч ким келтиролмаган фикрларни айтганлар.

Абу Ҳанифа бирор масалада ҳукм чиқаришда ўзига хос режа тузганлар. Бу ҳақда ўзлари бундай дейдилар: «Бирор масалага ҳукм ахтарсам, аввал Аллоҳнинг Китобини қарайман, агар ундан топмасам, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) суннатларини қарайман, ундан ҳам топмасам, саҳобалар сўзига қарайман. Лекин саҳобалар

сўзидан ихтиёр қилиб хоҳлаганимнинг сўзини оламан, хоҳламаганимнинг сўзини олмайман, аммо уларнинг сўзидан чиқмайман. Чунки бир масалада саҳобалардан икки хил ривоят бўлса, учинчиси йўқ, ижмоъ, агар уч хил ривоят бўлса, тўртинчиси йўқ, ижмоъдир. Буларнинг сўзларидан ҳам топмасам, иш Иброҳим Наҳъий, Шаъбий, Ибн Сийрин, Ҳасан Басрий, Ато ва Саъд ибн Мусайябга келиб тақалса, улар ижтиҳод қилганларидай, мен ҳам ижтиҳод қиламан».

Салоҳиддин МУҲИДДИН,
Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси
масжидлар ва фатво ишлари бўлими мудури

ИСМИ ЖИСМИГА МОС

Биринчидан, бу диний-маърифий, илмий-адабий нашрнинг номи чиройли, маънодор. Қолаверса, жисми, мундарижаси ҳам исмига ниҳоятда мос. Ўн йилдир, «Ҳидоят» ўз ўқувчиларини фақат ва фақат эзгуликка, тўғри йўлга, чин маърифатга даъват этиб келяпти. Бу борадаги чексиз саховати туфайли у маънавий ҳаётимизда чуқур из қолдирди, турли ёш, табақа, касб-ҳунар эгаларининг бирдек яқин маслаҳатчиси, ҳамроҳига айланди.

Мен «Ҳидоят»нинг диний тафаккур ифодаси, она тилимиз равнақидаги хизматини алоҳида таъкидлашни истардим. Совет давридаги тақиқлар туфайли диний мавзулардаги ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқ жонли адабий тилимиздан ажралиб қолган эди. Истиклол туфайли бу йўлдаги тўсиқлар барҳам топди. «Ҳидоят»нинг ҳар бир янги сонини ўқир эканман, Қуръони карим оятлари тафсиридан тортиб, энг мураккаб диний-илмий ёдгорликлар матни маъноси бугунги замонавий адабий тилимизда гўзал бир тарзда жонли ифода этилаётганидан қувонаман.

Дадил айтиш мумкин, айни «Ҳидоят» туфайли мумтоз шеърятимиздаги тўхтаб қолган бой анъана – диний-маърифий йўналиш қайта қад ростлади; замонавий диний-маърифий журналистика шаклланди.

Бундан қувонмай бўладими, ахир!..

Умарали НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
профессори



НОЗИК МАСАЛА

Аҳли сунна ва жамоа уламолари имон масаласида жуда эҳтиёт бўлишган, бировни имонсизликда айбладан ўзларини тийишган. Кишида имонга далолат қилувчи озгина нарса бўлса ҳам, уни куфрга ҳукм қилишдан сақланишган. Чунки ҳадисларда мўмин кишини имонсизликда айблаган одамнинг гапи ўзига қайтиши, ўзи имонидан ажраб қолиши мумкинлигидан огоҳлантирилади.

Аммо айрим оқимлар, жумладан, илк вужудга келган хорижийлар (“жамоадан ажралиб чиққанлар”) оқими катта гуноҳ¹ қилган одам имондан чиқади деб ҳисоблашади. Аслида эса, ўзларининг амалларида имонга тўғри келмайдиган ҳолатлар кўп кузатилади, Шу боис улар барча мусулмонларнинг қаттиқ қаршилигига учрашди.

Аҳли сунна уламолари, гуноҳ қилиш билан инсон асло имондан чиқмаслигини, фақат фарзларни инкор этиб, ҳаромни ҳалол, ҳалолни ҳаром деб эътиқод қилсагина имондан чиқишини айтишади. Бу фикрга далил қилиб **“Албатта Аллоҳ ўзига ширк келтиришни кечирмайди. Ундан бошқасини хоҳлаган кишиси учун кечириб юборади”** (Нисо, 48) ояти келтирилади.

Хорижийлардан ажралиб чиққан ибозия фирқаси ҳам имон ва куфр масаласида чуқур ғулувга кетиб, ўз йўлига юрганларни мўмин, қолганларни мунофиқ санашган. Яна шундай фирқалардан азрақийлар ҳам ўзларидан бошқа ҳеч кимни мўмин ҳисоблашмаган. Ашаддий фирқалардан бири халафийлар эса жиҳод қилмаган ҳар бир эркак ва аёлни кофир деб ҳукм қилишган.

Ҳозирги “ал-Қойда”, “Жиҳод” каби турли террорчи ташкилот ва ҳаракатлар ўтмишдошларининг қилган ишларини такрорлашмоқда. Улар ўз йўлларида юрмаганларни, замонавий тараққиёт имкониятларидан фойдаланганларни, ҳатто, жамиятдаги баъзи бир қусурларни рўқач қилиб, бутун мусулмонлар жамоасини ҳам имонсизликда айбламоқдалар.

Савол туғилади: Нима учун бу оқимлар имон масаласига бунчалик қаттиқ ёпишиб олишган? Нега улар гуноҳ қилган одамни имондан чиқаришга ҳаракат қилишади? Биринчидан, улар бу ўта ҳиссий масала воситасида одамлар устидан тез ҳукм чиқариб, кишиларни ўзларига эргаштироқчи бўлишади. Афтидан, бу оқимлар вакиллари имон масаласи билан ўйнашган ҳар кимса “куйиб қолиши” мумкинлигини унутишган чоғи?

Иккинчидан, бу даъво билан баъзи бир ўта мутаассиб оқимлар гуноҳ қилган кишининг моли

¹ Ўғрилиқ, зулм, бировнинг ҳаққини ейиш каби ширкдан бошқа катта гуноҳлар ҳақида сўз бормоқда.

ва жонини “ҳалол” санамоқчи бўлишади. Аслида эса, заррача бўлса ҳам имони бор одамни имонсизликда айблаш Аллоҳ берган неъматни инкор этишдир. Бошқаларни кофирга чиқариш билан ўзлари энг улкан гуноҳлардан бирига қўл уришади.

Учинчидан, бундай ҳаракатлар сабабли жамиятда ихтилоф, бўлиниш, фитна учун омил пайдо бўлади. Бундай ҳолдан баъзи кучлар сиёсий, моддий мақсадларда фойдаланишади. Ҳолбуки, фитна-фасод, бузғунчилик қилиш инсонларнинг ўзаро аҳил бўлиб яшаши тўғрисидаги илоҳий амрга мутлақо зиддир. Куръони каримда: **“Фитна қатлдан кўра ашаддийроқ (ёмонроқдир)”**, деб очиқ айтилган.

Адашган оқимлар, фирқалар орасида: “кишига имоннинг ўзи етади, бошқа хайрли амаллар керакми”, деб даъво қилувчилари ҳам бор. Масалан, ўтмишда чиққан т о р и қ и й л а р : “Аллоҳ таоло бандаларига имондан бошқа нарсани фарз қилмаган,

имон келтирган киши хоҳлаган ишини қилиши мумкин”, деса, ҳуббийлар: “Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор бўлган кимсадан бошқа амаллар соқит бўлади”, деб ҳисоблашади. Замонамизда эса акрабийлар ўз сафига кирганларга маълум бир муддатгача диний амрларни бажариш шарт эмаслигини даъво қилишди. Яқинда пайдо бўлган шоҳидийлар ҳам диний амалларни бажариш лозим эмаслигини айтишмоқда. Бундай нотўғри йўл тутиш одамларни яхшиликлардан қайтариш, динни бузишдан ўзга нарса эмас.

Аҳли сунна ва жамоа олимлари бу пуч даъволарга қарши:

«Аллоҳга ва Пайгамбарга итоат қилинг, шояд шунда сизларга раҳм қилинса» (Оли Имрон, 132) оятини далил қилишади. Чунки оятдаги **“шояд”** сўзи аниқликни эмас, балки эҳтимолни билдириб, ҳатто итоат қилганлар ҳам огоҳ бўлишга чақирилгани кўриниб турибди.

Таъкидлаш керак, юқорида айтиб ўтилган оқимларнинг қарашлари на нақлга, на ақлга тўғри келмаган ва кўпчилик томонидан қабул қилинмагани боис уларнинг аксарияти ҳозир йўқ бўлиб кетган. Аммо янги оқимларнинг имон масаласига дахл қилиб, Куръон ва ҳадисларни ўз раъйларича шарҳлашлари натижасида ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам маълум кишиларни ортларидан залолатга эргаштирганлари ачинарли ҳолдир.

Хулоса қилиб айтсак, бу ҳассос масалада ҳар бир имон-эътиқодли одам эҳтиёткор бўлмоғи, айниқса, бировга “имонсиз” тамғасини босишдан олдин ўз имони ҳақида қайғурмоғи лозим.

Даврон МАҚСУДОВ

ЮРТ МЕҲРИ ЙЎЛДОШ БЎЛДИ

Бутун ислом оламидан йиғилган, жумладан, диёримиздан борган минглаб ҳожилар Маккаи мукаррамада ҳаж амалларини адо этиб қайтишди. Улардан айримларининг сафар таассуротлари билан танишинг.

«Дунёвийлик дахрийлик эмас»

Шу йилнинг 9 нўябр куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси мажлислар залида Вазирлар маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита, Республика маънавият-тарғибот маркази ҳамда диний идора ҳамкорлигида «Дунёвийлик дахрийлик эмас» мавзуда илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманни Дин ишлари бўйича қўмита раҳбари Ортиқбек Юсупов очди.

Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, Республика маънавият-тарғибот маркази раҳбари Мин-ҳожиддин Ҳожиматов, Тошкент Ислом институти ректори Ҳайдархон Йўлдошхўжаев, маънавият-тарғибот маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Акбар Набираев ва Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси бошқарувчиси ўринбосари Андрей Тугушев ва бош-қалар сўзга чиқишиб, мавзуга доир фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мухбиримиз

Ғуломқодир Мирзаёқубов («Имом Бухорий» жомеъ масжиди имом-хатиби): Ота-боболаримиз юрагида азалдан армон бўлиб келган ҳаж каби улуғ ибодатни мустақиллик шарофати билан тўла-тўқис адо этиш бахтига мушарраф бўлдик. Яқин ўтмишда ҳозиргидек минглаб ҳамюртларимизнинг эмин-эркин ҳаж сафарига боришини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Бу нарсамамлакатимизда диний қадриятларимизга катта эътиборнинг бир кўринишидир.

Бугунги кунда давлатимиз ҳожилар ибодатларини тўла-тўқис ва қийинчиликларсиз адо қилишлари учун барча шароитларни яратиб берган. Жумладан, уларга энг замонавий ҳаво кемаларининг ажратилиши, махсус ишчи гуруҳи, шифокор ва ошпазлар билан таъминланиши — буларнинг барчаси ҳожиларимизга ғамхўрлик намунаси. Бу неъматларнинг шукрини қилиш керак.

Нафиса Рашидова (уй бекаси, Тошкент): Замонавий меҳмонхоналарга жойлашдик, уларда совутгич, телевизор, умуман, ҳамма қулайликлар муҳайё. Ҳар куни телевизор орқали «Ўзбекистон» телеканалининг «Ахборот» дастури намойиш этилади. Юртимиздаги янгиликлар, воқеалардан хабардор бўлиш мумкин. Тиббиёт хо-

димлари ҳожилар саломатлигини кечаю кундуз назорат қилиб туришди.

Олимжон Саҳобов (зиёли): Ҳаж Ислом динимизнинг беш фарзидан бири. Истиқлол шарофати ва мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-фаровонлик туйғулари ҳаж сафарига кенг йўл очилди. Яратганга беадад шукрлар бўлсин, бу йил ҳаж зиёратига бориш менга ҳам насиб этди.

Шароит тақозосига кўра маҳаллий халқ вакиллари билан гаплашганимда Ўзбекистон, буюк бобомиз Имом Бухорий номларини тилга олишимиз биланоқ бизларга муносабат тамоман ўзгача бўлишини кўрдим. Бундай эътибор менда улуғ мамлакат фарзанди, шундай буюк зотнинг авлоди эканимдан фахр ва ифтихор туйғусини янада кучайтирди. Бизга кўрсатилган ҳурмат замирида улуғ аллоمالаримизнинг бой мероси ётганини англаб, улар билан ҳар қанча фахрлансак оз эканига ҳамда бу меросни қанча ўргансак, шунча кам эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.



ТАЛҲА ИБН УБАЙДУЛЛОҲ

Талҳа ибн Убайдуллоҳ (Аллоҳ ундан рози бўлсин) Қурайш савдо карвони билан Шомда эди. Карвон Басрага кириб келгач, Қурайшнинг катта тижоратчилари шаҳарнинг гавжум бозорига ошиқишди ва савдони қизитиб юборишди. Талҳа ҳали ёш ва тажрибасиз бўлишига қарамай, ақлли ва закий йигит эди. Шу боис кўпни кўрган савдогарлар билан ҳам рақобатлашар, фойдага эришар эди.

Гавжум бозорда кечган бир воқеа Талҳа ҳаётини тубдан ўзгартирибгина қолмай, унга тарихнинг кейинги эврилишларидан ҳам дарак берди.

Келинг, яхшиси, қолганини Талҳа ибн Убайдуллоҳнинг ўзидан эшитайлик:

«Бир куни Басра бозорида эдик, насроний роҳибларидан бири атрофидагиларга:

– Ҳой савдогарлар, одамлардан сўраб кўринглар-чи, маккаликлар бормикин? – деб бақирди.

Мен унга яқин турардим, жавобга шошдим:

– Мен маккаликман.

– Орангиздан Аҳмад чиқдими? – деб сўради у.

– Аҳмад ким бўлди?

– Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолибнинг ўғли.

У пайғамбарларнинг энг охиргиси бўлади, – деди роҳиб. – У сизларнинг юртингиздан чиқади, кейин қора қоялар, хурмозорлар ва зиллол булоқлар ўлкасига кўчади...

Роҳибнинг сўзлари юрагимга маҳкам ўрнашди. Шу заҳоти туяларимни ўрнидан тургаздим ва йўлга тайёргарлик кўра бошладим. Карвонни ҳам кутмай, Маккага жўнадим.





Шаҳарга яқинлашишим билан одамлардан:
– Маккада бирор нарса содир бўлдимми?
– деб сўрадим.

– Ҳа, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ўзини пайғамбар деб эълон қилди, Ибн Абу Куҳофа эса унга эргашди, – дейишди.

Абу Бакр хулқи, муомаласи гўзал, софдил ва ҳалол савдогар. У билан дўст эдик, кўп вақтимизни бирга ўтказардик. Абу Бакр қурайшликлар тарихини яхши билар, уларнинг насабларини бир неча аждодларигача айтиб бера оларди.

Унинг олдига бориб:

– Муҳаммад ибн Абдуллоҳга пайғамбарлик келгани ва унга эргашганинг ростми? – деб сўрадим.

– Ҳа, – деди у.

Кейин менга Пайғамбар ҳақида гапириб берди ва унга эргашिशга чақирди. Абу Бакрга басралик роҳиб ҳақида айтганимда, ҳайратга тушди ва:

– Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳузурларига борайлик, бу ҳақда сўзлаб берасан. Нима дейишларини ўзларидан эшитасан, – деб таклиф қилди.

Абу Бакр билан Муҳаммад (алайҳиссалом) олдларига келдик. У зот бизга Қуръони карим оятларидан ўқиб бериб, Исломи динини тушунтирдилар. Аллоҳ қалбимни Исломга мойил қилди ва Пайғамбарга (алайҳиссалом) басралик роҳиб ҳақида гапириб бердим. Айтганларим у зотга (алайҳиссалом) ёққани муборак юзларида акс этиб турарди... Кейин имон калималарини айтдим. Шу тариқа, Абу Бакр шарофати билан Исломи илк қабул қилганларнинг тўртинчиси бўлдим».

* * *

Кунлар ўтиб борар, воқеалар бирин-кетин алмашар, Талҳа ибн Убайдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу) ҳам улғайиб, ишлари кўпайиб, тижорати кенгайиб борарди. Унинг Исломга ва барча мусулмонларга садоқати чексиз эди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) уни «Яхшилигини аямайдиган, сахий ва олий-ҳиммат Талҳа» деб атардилар.

Талҳа жуда бадавлат савдогарлардан эди. Бир куни Хазрамавт бозорида савдодан етти юз минг дирҳам фойда кўрди. Аммо тунни кўрқув ва қаттиқ қайғуда ўтказди. Шу аҳволда хотини Умму Кулсум бинти Абу Бакр кириб қолди:

– Нима бўлди, эй Абу Муҳаммад, сизни хафа қилиб қўйдикми? – деб сўради.

– Йўқ, – деди Талҳа, – мусулмонларнинг хотинлари ичида энг яхшиларидан бири сенсан... Ўзимга ўзим, уйда шунча бойлиги бўлиб, хотиржам ухлаган одам Парвардигори ҳузурига борганида қандай ҳолга тушаркин, деб савол бериб, туни билан тўлғониб чиқдим.



– Кўпам безовта бўлаверманг, камбағал қабиладошларингиз кўп, эрталаб пулларни уларга тақсимлаб беринг...

– Аллоҳ сенга раҳм қилсин, қанчалар топқир ва мунис хотинсан, ахир Сиддиқнинг қизисан-да! – деб хитоб қилди Талҳа.

Эрта тонгдаёқ у пулларини Маккадан кўчиб келган камбағалларга тарқатишга жўнади.

* * *

Ривоят қилишларича, бир куни Талҳанинг олдига бир одам келиб, унга қариндош эканини айтади ва моддий ёрдам сўрайди. Шунда Талҳа:

– Сен билан қариндошлигимизни ҳеч ким менга айтмаган экан. Каттагина ерим бор, Усмон ибн Аффон уни уч юз мингга оламан, деган эди. Хоҳласанг, ерни ол, ё уни сотайда, пулини сенга берай...

Қариндоши хурсанд бўлиб кетди ва:

– Яхшиси пулни олақолай, – деди.

Талҳа ерни сотиб, пулини унга келтириб берди.

Аллоҳ таоло «сахий ва олийҳиммат» Талҳа ибн Убайдуллоҳдан рози бўлсин, қабрини нурга тўлдирсин!



ТИЛИНГНИ АВАЙЛА, ОМОНДИР БОШИНГ

Яқинда ҳамкасбларим билан она тилимизга давлат тили мақоми берилганининг йигирма йиллигини нишонладик. Кўпчилик тилимиз софлигини сақлаб қолиш ҳақида куюниб гапирди. Гап орасида турли матбуот нашрлари, жумладан “Ҳидоят” журнали ҳақида ҳам сўз борди. Шунда мен журналнинг илк сонлари чиққан йилни эслаб: «Бу йил “Ҳидоят” журнали ҳам ўн ёшга тўлар экан-да», десам, ёндошим олдинига ишонгиси келмади. “Вақт қилич кабидир. Сен уни кесмасанг, у сени кесади” дейишади. Қаранг-а, ўн йил шунча тез ўтиб кетибди...

Ўшанда рамазон ойининг сўнги кунлари эди. Отам таровеҳга чиқиб, “Ҳидоят”нинг 1999 йилги 2-сонини олиб келдилар. Уни қўлга олиб, варақлай кетдим, мақолаларни бош кўтармай ўқидим.

Саҳарликдан сўнг яна тоқчадан журнални олдим. Ташқаридан оппоқ қор шуъласи уриб турарди. Саҳифама-саҳифа ўқиб тугатганимда, хўрозларнинг қичқириғи аралаш азон эшитилди. Биринчи бетдаги “Илмга интилайлик” ва кейинги са-

ҳифалардаги имон-эътиқод, ақида масалаларининг содда, асосли талқини руҳимга қувват бахш этди. Ўшанда, айниқса, олимларнинг буюк ватандошимиз Имом Абу Мансур Мотуридий ҳақидаги фикрларидан фахр-шижоатга тўлганман. Шушу “Ҳидоят”нинг ҳар бир сони мен учун севимли ҳамроҳга айланди. Фикҳий, тарихий, ижтимоий мавзулардаги мағзи тўла, салмоғи тош босадиган мақолалар каттаю кичикка бирдек самимий суҳбатдош, холис маслаҳатчи ҳамдир. Масалаларнинг ҳаётийлиги, уларга тўғри ёндашув ва ечим ўқувчилар эътиборини тортади. Жумлаларнинг лўнда, содда ва самимий бўлганидан журнал ўқишли.

Мантиққа кўра, инсон руҳиятида ухровий ва дунёвий фикр ва кечинмалар уйғун келса, бутунлик ҳосил бўлиб, олий мақсад сари тўғри ҳаракат бошланади. Илк сонлариданоқ ўрта, мўътадил йўлни танлаган журнал ходимлари мавзуларни ёритишда “дунё деб динни, дин деб дунёни тарк этмаслик” ҳикматига амал қилишади. Зеро, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ишларнинг яхшироғи ўртачасидир”, деб марҳамат қилганлар.

Яна бир муҳим томони, “Ҳидоят”-да она тилимиз софлигини сақлашга жиддий аҳамият берилади. Мақолаларда келтирилган далилларнинг асл манбаи асосан арабча, форсча бўлса-да,

бошқа тиллардан муомалага киритилган сўзлар кам ишлатилади. Афсус, кейинги йиллар кўча эълонларида, дўконлар, ошхоналар пештоқларидаги ёзувларда кўпчиликка тушунарсиз, чет сўзлар, имло хатолари кўпайди. Айниқса, лотин алифбосига асосланган ёзувимизда “х” ва “h” ҳарфларининг фарқига боришмаяпти. Бир куни ўқувчиларимдан бири: “Вергул, икки нуқта, умуман тиниш белгилари хато ҳисобланмаслиги керак”, деб қолди. “Нега?” дедим, “Ана, газета, журналларда бундан катта хатолар ўтиб кетяпти-ку”, деди. Тилга эътиборсиз кишилар шундай қилишади-да, демоқчи бўлдим-у, яна тилимни тишладим.

Қуръони карим саҳифаларини жам қилишда Ҳазрати Усмон (розийаллоҳу анҳу) энг соф ва чиройли Қурайш лаҳжасини татбиқ этишга жиддий эътибор берганлар. Юсуф Хос Ҳожиб “Тилингни авайла, омондир бошинг, сўзингни авайла, узаяр ёшинг”, дея таъкидлайди. Тил билан кўп нарса англанади. Қадимда элчиларнинг тилига, гапириш оҳангига қараб кўнгилларида нималар кечаётганини, керак бўлса, халқининг маданиятини ҳам англашган экан.

“Ҳидоят” журнали ҳам ўзбек тилининг софлигини сақлаб қолишдек муҳим ишга ҳисса қўшаётган нашрлардан. Фикҳий масалалар, ижтимоий муаммолар, “Ислом ва олам” саҳифаси, масжидлар ҳаётидан берилётган лавҳаларни мухлислар севиб ўқишади.

Абдувоҳид ЎРОЗОВ



Бу йил Маккаи мукаррамада ҳожиларнинг ҳаж арконларини чиройли ба-
жаришлари учун бир қатор қулайликлар яратилди.

Минода беш қаватли янги кўприк

Ҳаж арафасида Мино водийида беш қаватли, юқори технологияли “Жамарот” кўприги қуриб битказилди. Шу боис ҳожилар шайтонга тош отиш чоғи бир жойда тўпланиб қолишмади. Ҳожилар оқимини махсус ўринларда ўн тўққиз нафар назоратчи кузатиб, тартибга солиб турди.

Ҳаж хавфсизлик кучлари қўмондони Саъд Хилайвий айтишича, бу кўприк бир мав-



ҲАЖДАН ЯНГИЛИКЛАР

сумда беш миллион, бир соатда уч юз минг хожига хизмат қилиши мумкин. Узунлиги 950, эни 85 метр бўлган кўприкнинг тўрт қаватида 10 та кириш, 12 та чиқиш эшиги бор. Тош отиладиган ўринларга баландлиги 18 метрли темир-бетон қурилмалар ўрнатилган. Шунингдек, кўприкда вертолёт қўнишига мосланган майдонча, зарурат туғилса, сув сепиб, ҳаво ҳароратини пасайтириш мосламаси бор. “Жамарот” кўприги қурилишига 4,5 миллиард риёл маблағ сарфланди.

“Қуёш уриши”дан сақловчи ихром

Саудия Арабистони соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳаж мавсуми бошланиши олди-дан ҳожилар баданини “қуёш уриши”дан сақловчи янги ихром тайёрлангани ва уни мамлакат бош муфтийи маъқуллаганини маълум қилган эди. Мутахассислар айтишларича, ҳар йили 60 мингга

яқин ҳожи елкасини “қуёшга урдириб” олар экан. Янги ихром ҳажни адо этаётган ҳожининг баданини қуёш нуридан ҳимоя қилади. Аммо ундан фойдаланиш ҳамма учун мажбурий эмас.

Янги ерости йўллари

Маккаи мукаррама қурувчилари ҳаж мавсуми бошланиши олдида умумий узунлиги 30 километр бўлган 60 та ерости йўлини фойдаланишга топширишди. Тоғли ҳудудларда қурилган бу иншоотларнинг ўнтаси пиёдалар юришига, қолганлари эса уловлар ҳаракат қилишига мўлжалланган. Ерости йўллари ҳаракатланувчи зинаполяр, ҳаво тозалагичлар, тежамли ёритқичлар билан жиҳозланган.

Саудия оммавий ахборот воситалари хабарига кўра, бу йилги мавсумда дунёнинг турли минтақаларидан Маккада ҳаж қилиш, Мадинада зиёрат қилиш учун келувчи-

лар сони ўтган йилгидан 40 фоиз кўпайган.

Осма темирйўл қуриляпти

Маккаи мукаррамани, Мино, Муздалифа ва Арафот водийлари билан боғловчи яқка йўлли осма темирйўл қурилиши жадал давом этмоқда. Ердан 8–10 метр баланд кўтарилган темирйўл орқали 6–8 соат ичида 500 минг кишини ташиш мумкин.

Саудия Арабистони муниципалитетлар ва қишлоқ туманлари ишлари вазирининг ўринбосари Ҳабиб Зайнул Обиддин айтишича, осма йўл ҳаж мавсумида 30 минг автобуснинг ўрнини босиб, йўлларда тир-бандлик юз беришининг олдини олади, ҳожиларнинг манзилга тез етиб олишларини таъминлайди.

Хитойликлар қураётган 1,8 миллиард дўлларли мазкур кўприкни 2010 йил охирида қисман, 2011 йили эса тўла битказиш ражалаштирилган.

Ҳар бир ота-она фарзанди соғлом вояга етишини истайди. Бола саломатлиги эса кўпинча онага боғлиқ. Ахир соғлом онадангина соғлом бола дунёга келади. Шу боис миллат саломат бўлсин ва равақ топсин десак, оналар-

Она ўзи ва ҳомиласининг парваришига эътибор берса, натижа шунга кўра бўлади. Бўлажак она айниқса, овқатланиш тартибига риоя этиши, ҳалол, дармондориларга бой овқатлар ейиши зарур. Соғлиқ учун энг олдин поклик ке-

ОНА ХАФА БЎЛСА, БОЛА ҲАМ ҚИЙНАЛАДИ

Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 65-модда

нинг саломатлиги ва билимига яхши эътибор беришимиз керак. Донолар: “Яхши ҳосил яхши парваришни талаб қилади”, деб бежиз айтишмаган.

Ҳазрати Ойша онамиздан (розийяллоҳу анҳо) ривоят қилинган ҳадиси шарифдан маълум бўлишича: «Расули акрам (солаллоҳу алайҳи ва саллам) бирон оилада фарзанд туғилса, ўғил ёки қизлигини сўрамас эдилар. Балки: “Соғломми?” деб сўрар, “Ҳа”, дейишса, “Оламларнинг Рабби Аллоҳга шукр”, дер эдилар» (Имом Бухорий).



Юкли аёлнинг кийимлари тоза, табиий матолардан тикилган бўлсин. Жисми билан бирга қалбини ҳам иллатлардан тозаласа, ўй-фикрлари, мақсадлари ойдин бўлса, иншааллоҳ, фарзандлари соғлом, гўзал ахлоқли бўлиши умид қилинади. Чунки гўдак ҳар қандай ташқи таъсирни ҳис қилиб туради. Онасининг юраги сиқиладиган, ғам-қайғуга ботадиган бўлса, бола ҳам қийналади.

**Муқаррам
ФОЗИЛОВА**

Оқила қайнона

Ошпазлиги билан танилган бир аёл ўғли билан келинини уйига чақирди. Улар яхши кўрадиган овқатлардан пишира бошлади. Ўша куни аёлнинг бир дугонаси ҳам меҳмон бўлиб келган эди.



Меҳмонлар сира кутмаган ҳолат юз берди: аёл пиширган овқатлар тузсиз, бемаза эди. Улардан ун ҳиди келарди, масалликлар куйган, гўшт яхши пишмаган... Ўғли, келини ва дугонаси “бечора” аёлни хижолатга қўйилари келмай, ўзларини билмаганга олишти. Ниҳоят, зиёфат тугади, ўғил билан келин уйларига қайтишти.

Дугонаси мезбон аёлдан:

– Кўли гул ошпаз эканингни биламан, бугун овқатларинг нега бунча бемаза чиқди? – деб сўради. – Касал-пасалмасмисан ишқилиб ё бир ишни кўзладингми?

Оқила аёл кулимсираб жавоб берди:

– Соппа-соғман. Атайлаб қилдим. Энди ўғлим ҳеч қачон онаси пиширган овқатларни мақтаб, хотинини хафа қилмайди...



* Болага ғам-ташвиш ва муаммоларимизни эмас, севинчимизни кўпроқ билдиришимиз керак.

* Бола хато қилади. Унга дарров жазо бермасдан, хатосини изоҳлаб, зарарини тунтириш зарур.

* Болага насиҳат қилишдан амалий намуна бўлишнинг фойдаси кўпроқ. Масалан, “Овқатдан олдин қўлларинг-

* Яхши ишини мукофотланг, мақтанг, рағбатлантинг.

* Ортиқча суйиб, эркалатиш салбий таъсир кўрсатади, меъёрга риоя қилинг.

* Болани ҳақсиз айблаш, қўрқитиш, масхара қилиш, унга лақаб қўйиш тўғри эмас.

* “Бор”, “Қил” каби буйруқларни “Бориб кела-

Болани ҳурмат қилинг

ни юв”, дея юз марта уқтиришдан кўра, “Қани, қўлимизни ювайлик-чи”, деб бирга ҳаракат қилган самарали.

* Фарзандларингиз орасида айирмачилик қилиб, бирини бошқасидан устун қўйманг.

* Болага буюрилган ишни кузатиб туриш, бажарган-бажармаганини назорат қилиш керак, кузатувда эканини билсин.

* Бажармаслиги аниқ ишларни буюрманг, акс ҳолда бажарадиганини ҳам қилмай қўяди.

* Бола онги ривожда ҳикматли сўзларнинг аҳамияти катта. Уларни зийраклик билан танлаб етказинг.

* Ваъда берсангиз, албатта бажаринг. То сўз қадрини билсин.

* Унинг юзига ва бошига асло урманг.

* Куч ишлатиб йўлга солишга ҳаракат қилинса, бола кўрқоқ, асабий, жаҳлдор бўлиб қолади.

* Боланинг ҳар қандай фикрини эшитинг, инобатга олинг ва мулоҳаза билдиринг.

сизми”, “Қилиб қўйинг” деган иборалар билан ифодалаш яхши.

* Болаларни ҳурмат қилинг. Улар билан муомалада ўрни билан “Илтимос”, “Раҳмат”, “Кечирасиз”, “Хўп бўлади” каби сўзларни ҳам ишлатиб туринг.

* Хатомизни тан олиб, боладан узр сўрашимиз уни ҳам хато қилганида узр сўрашга ўргатади.

* Тарбияда сабрли ва бағрикенг бўлиш тўғри йўлдир.

Акмал АВАЗ
тайёрлади



Соғломлаштириш соатлари

Имом Бухорий халқаро марказида юртимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикасидан келган имом-хатиблар малака оширишади. Тингловчилар дарсдан бўш вақтларини самарали ўтказишлари учун марказда барча қулайликларга эга маънавият хонаси ишлаб турибди. Марказ раҳбари Убайдулла Уватов ташаббуси билан соғломлаштириш соатлари ажратилиб, турли мусобақалар уюштириладиган бўлди.

12 нўябр куни Самарқанд вилояти вакиллиги ходимлари билан Имом Бухорий халқаро маркази тингловчилари волейбол ўйнашди. Голиб бўлган марказ тингловчиларига совғалар берилди.

Йўлдошхон ИСОЕВ,
ҳадисишунослик бўлими мудири

Қадрият миллат кўзгуси

Нўябрнинг 20-куни Тошкент Ислом институтида Қурбон ҳайити ва Асосий Қонунимиз қабул қилинган кун муносабати билан “Қадрият миллат кўзгуси” деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда “Ҳадичаи Кубро” Ислом ўрта-маҳсус билим юртининг “Ўзбегим гавҳари” билан Тошкент Ислом институтининг “Ҳикмат булоқлари” жамоалари ўзаро билим ва маҳоратларини синашишди.

Айниқса, дастурхон тузаш мусобақаси қизиқарли бўлди. Дўстона баҳсда Тошкент Ислом институти қизлари голиб чиқишди.

Саиджамол МАСАЙИТОВ,
Тошкент Ислом институти
проректори



ЛАТВИЯ РЕСПУБЛИКАСИ



Тарихи. Тўққизинчи — ўнинчи асрларда маҳаллий қабила-лар яшаб турган Латвия худудига викинглар бостириб келишади. Ўн учинчи асргача бу ерда Кокнеса, Ерсика, Талава номли илк феодал князликлар ташкил топди. Кейинчалик феодал-католик орденлари ҳукмронлиги остида бўлди. 1562 йили мамлакат ерларининг бир қисми Полша ва Шветсия ўртасида тақсимлаб олинди. Ўн еттинчи асрга келиб латиш халқи таркиб топди. 1721 — 1795 йиллар



Майдони: 63 700 кв. км.
Аҳолиси: 2,4 миллион киши.
Пойтахти: Рига шаҳри.
Тузуми: республика.
Давлат бошлиғи: президент.
Маъмурий тузилиши: тарихан 4 туманга бўлинган.
Йирик шаҳарлари: Даугавпилс, Лиепая, Елгава, Юрмала.
Пул бирлиги: лат.

оралиғида Латвияга қарашли Курландия, Лифландия ўлкалари ва Витебск губернасининг бир қисми Россия империясига қўшиб олинди. 1918 йил 18 нўябрда Латвия мустақил деб эълон қилинди.

1939 йили иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Молотов — Риббентроп келишувига биноан Латвияни совет қўшинлари ишғол қилишди ва у иттифоқдош республика сифатида СССР таркибига киритилди. 1941 — 1945 йиллари мамлакат немис қўшинлари қўл остида бўлди. 1945 йили яна Совет Иттифоқи республикаларидан бирига айланди. СССР парчаланганидан кейин 1991 йил 6 сентябрда мустақил давлат деб эълон этилди. Орадан уч йил ўтгач Россия қўшинлари мамлакатдан олиб чиқилди.

Иқтисоди. Латвиянинг саноати ва қишлоқ хўжалиги барабар тараққий қилган. Саноатда айниқса машинасозлик ва металлни қайта ишлаш етакчи. Мамлакатда оз хомашё ва кўп ишчи кучи сарфлаш ҳисобига тайёрланадиган радиоэлектрон ва илм-фан асбоб-ускуналари



кўпроқ ишланади. Шунингдек, музлатгич, кир ювиш машиналари, матасикл кабиларни чиқаришда ҳам Латвия собиқ иттифоқдошлари орасида илғор. Оғир саноат корхоналари эса кемалар, темирйўл вагони ва электровозлари, трамвай ва микроавтобуслар, қишлоқ хўжалик машиналари, электр ва дизел моторлар етказиб беради. Енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари кўпроқ чет элларга сотилади.

Латвия қишлоқ хўжалиги





асосан гўшт ва сут етиштиришга ихтисослашган. Ер майдонларининг каттагина қисми яйловлар, қолганига ғалла ва қанд лавлаги экилади. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари батамом техника зиммасига юклангани учун самарадорлик анча юқори.

Қўшни мамлакатларга машина ва ускуналар, тахта-ёғоч, металл, газлама ва озиқ-овқат сотади, четдан эса нефт, машина ва ускуналар, кимё саноати маҳсулотлари сотиб олади. Савдодаги асосий шериклари Олмония, Россия, Шветсия, Финландия, Норвегия.

Аҳолининг этник таркиби. Мамлакат аҳолисининг 57 фоизини латишлар, 30 фоизини руслар, 5 фоизини белоруслар, 4 фоизини украинлар ва поляклар ташкил этади.

Дини. Латвияликларнинг 40 фоизи насронийликнинг лютеран йўналишида, 35 фоизи православлар, 25 фоизи эса католиклардир.

Латвияда Ислом. Сўнгги йил-

лар мамлакатда Ислом динига ҳам қизиқиш ортапти. Ҳозир бу ерда ўн мингдан ортиқ мусулмон яшайди. Улар Латвия мусулмон жамоалари уюшмаси ва Рига татар-бошқирд маданияти жамияти атрофида бирлашишган. Жамият идораси ёнида жомеъ масжиди қурилди. Мамлакатда мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилишга эътибор яхши, уларнинг билим олишлари, ибодат қилишлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Яқинда Куръони карим маъноларининг ла-




тишчага таржимаси нашр этилиб, мусулмонларга туҳфа қилинди. Таржимон таниқли шоир ва адиб Улдис Берзинш оятлар маъносини тўлароқ аён этиш мақсадида узоқ вақт Истанбул кутубхоналарида ишлаб, олимлардан маслаҳат олди.

Аҳмад ТУРСУН,
тайёради

Манбалар:

1. «Страны мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 66-68.
2. «Атлас мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 48-49.
3. Интернет сайтлари.



Шукр қиламан

Қизалоғим дунёга келдию уйимиз қувончга тўлди. Отаси уни меҳр билан эркалаганини кўрсам, жуда шодланаман. Қайнона-қайнотам боламни мендан кўра эҳтиёт қилиб, еру кўкка ишонишмайди. Оналик бахтидан суюниб юрган кунларим қизчам фақат бир томонга қараб, бошқа томонга қараёлмаётганини сезиб қолдим. Тезда шифокорни чақирдик. У келгунича ўтган ярим соат гўё ярим йилдек туюлди. Шифокор гўдагимнинг бўйнида қаттиқ пай борлигини айтди. Кўлимда чақалоғим, кўзимда жиққа ёш, ғамга ботдим. “Нега?” деган савол миямда чарх урарди. Отасига нима дейман...

Тўққиз кунлик болажонимни шифохонага олиб бордик. Мутахассислар: “Чақалоқ икки йил уқалаб муолажа қилиниши, мунтазам махсус бўйинбоғ тақиши керак”, дейишди. Чилласи чиқмаган бўлса ҳам, муолажага қатнай бошладим. Ҳеч ким билан гаплашгим келмасди. Унинг чинқириб йиғлашидан юрагим эзиларди.

Аллоҳ менга бир ҳодисани ибрат қилиб кўрсатмагунича хафа бўлиб, тақдиримдан нолиб юрдим. Одатлагидек шифокорнинг эшиги олдида навбат кутиб турганимизда, бир ёш келинчак чамаси олти ойлик чақалоғини овқатлантираётганига кўзим тушди. Боланинг бурни шаклланмаган экан. Онаси жуда қийинчилик билан сут ичирарди. Дарду ҳасратимни бир зум унутгандай бўлдим. “Астафируллоҳ! Аллоҳ, ношукр бандангни кечир!” деб юбордим. Кўз ёшимни артар эканман, ёнимдан ўтиб кетаётган она-болага Аллоҳдан шифо ва сабр тиладим.

НИЛУФАР,
Тошкент шаҳри





Нуруллох
МУҲАММАД РАУФХОН
(бош муҳаррир)

Йўқотганимдан топганим устун

Битта-иккита ҳикоямиз чиқиб, ёзувчи деган ном олганимизда ўзимизча биздан буюги йўқ эди гўё. Ерда юрмасидик, ҳаволарда учиб юрардик. Атрофга ҳам сал тепадан қарардик. Ҳа? Аканг қарагай — ЁЗУВЧИ! Дунёда энг улуғ, энг мўътабар касб ёзувчиликдай! Журналистлар бизга ҳавас қилган, биз эса уларга паст назар билан қараган! Ёзувчи ё шоир бўлолмай юрганлар журналист бўлади деб ҳисоблардик-да...

Мана, ўн йиллардан бери қарийб ёзувчилик қилмай кўйдим, журналистликка шўнғи-ганман. Борим ҳам, йўғим ҳам шу “Ҳидоят” бўлиб қолган. Ва умримнинг бу ўн йиллик бўлагини энг фойдали йиллар ўлароқ қадрлайман. “Адабиёт битта яхши ёзувчисидан ажраб қолди”, деган бир-икки хайрхоҳ дўстларимга ярим ҳазил-ярим чин қилиб: “Йўқотганимдан топганимни устун қўяман”, дейман.

Ўтган ўн йил ичида мен “Ҳидоят”нинг содиқ шогирдига айланиб-ўрганиб қолдим, Аллоҳга шуқр.



“ҲИДОЯТ”НИНГ



Абдул
ЖАЛИЛ ХЎЖАМ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Яхшилик сабоқлари

“Ҳидоят” таҳририяти менга фақат иш жойи эмас, балки яхшигина дарсхона ҳамдир. Бу ерда деярли ҳар куни олимлар, кўпни кўрган одамлар билан учрашамиз, суҳбатлашамиз. Бирининг илмидан баҳраманд бўлсак, бирининг завқи, ҳимматини кўриб, ибрат оламиз. Масалан, яқинда таҳририятимизга отахон шоиримиз Фозил Зоҳид ташриф буюрдилар. Бир оз суҳбатлашиб ўтирдик. Ёшлари 83 дан ошибди. Аммо устоз ҳар галгидек бир туркум янги шеърлар келтириб, баъзиларини даврада ўқидилар. Гап орасида Алишер Навоий ва бошқа улуғларнинг ҳикматларидан айтдилар. Фозил отанинг шу ёшда ҳам шунчалик завқ-шавқ, гоҳо мутойиба билан сўзлашларига, ғазал ўқишларига ҳамма қатори ҳавасим келди.

“Ҳидоят”га келгунимча кўп таҳририятларда ишладим. Аммо турли сабаблар, айниқса, гўрлигим боис у жойларда айтарли илм-тажриба орттиролмадим. Олдин “Соғлом авлод учун”, кейин “Ҳидоят” таҳририятларида, алҳамдулиллаҳ, кўп нарсаларни ўргандим. “Ҳидоят”да олаётганим яхшилик сабоқлари давомли бўлишини истайман.



Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН
(дин асослари бўлими мудири)

Орзуим ушалди

Журналистика соҳасида таълим олмаганман. Аммо ёшликдаги бир дунё орзуларимдан бири журналист бўлиш эди. Маъҳадни (Тошкент Ислом институти) битирганимдан сўнг ўша орзуим ушалди. Аллоҳ таолонинг инояти билан “Совет Шарқи мусулмонлари” журналига ишга олишди. Моҳир журналистлардан таълим олдим ва ҳозирги кунда ҳам “Ҳидоят” таҳририятида журналистлик касби сирларини ўрганишда давом этяпман. Аллоҳ таоло барчамизни хайрли ишларга муваффақ қилсин.



Аҳмад МУҲАММАД ТУРСУН
(тарих ва халқаро алоқалар бўлими мудири)

Журнал ижод мактабим бўлди

“Ҳидоят”да ишлашнинг кўп фойдаси тегди. Узоқ йиллар газетада ишлаш тезкорликка кўниктирган эди, бу эса мақолаларнинг тили, мазмуни, фа-

СОДИҚ ШОГИРДЛАРИМИЗ

соҳати ҳақида кўп бош қотиришга имкон бермасди. Журналга келиб, ҳар бир жумла устида фикр юритишга, уларни сиқик, тушунарли, аини пайтда, мазмуни чуқур бўлишига эътибор беришга ўргандим. Журнал менга том маънода ижод мактабига айланди.



Райҳона ХОЛБЕК қизи
(муҳаррир)



Зебунисо ҲУСАЙН қизи
(муҳаррир)



Хайруллох ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли
(бадиий муҳаррир)

Мақсадим тасвирларни сўзлатиш

“Ҳидоят» дан олдин “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида ишладим. Ишим тасвирлар билан боғлиқ. Мақсадим ана шу тасвирларни “сўзлатиш”. Суратлар матн маъносига уйғунлаштирилади. Муқовани тайёрлаш кишидан чинакам ижодни талаб қилади. Устозим графикачи рассом Абдулбоқий Фуломовдан доим маслаҳат олиб тураман. Битта сон муқоваси учун бир неча кўриниш тайёрланиб, улардан энг яхшиси танланади. Ҳар қайси сон, саҳифалар рангбаранг бўлиши, бир-бирини такорламаслиги керак.

Қаерда чиройли манзара кўрсам, албатта, “журнал учун” деб суратга олишга ҳаракат қиламан. Ишимни яхши кўраман. Энг муҳими, бу ерда ижодий муҳит бор.

Ишхонам — ўз хонам

Ўқишни битириб, иш қидириб юрган кезларим. Китоб рас-тасида “Ҳидоят”нинг нишона сонини олиб ўқидим. Кейин таҳририятга келдим. Ҳар бир ходим саралаб олинаётганидан қалбимда ҳадик бор эди. Ижодий ишларимни сўрашди. Ўшанда илк бор қўлимга қалам олганман. Журналда ишлашни жуда ҳоҳлаганим учун яхши ёзишга ҳаракат қилдим, аммо ишончим комил эмасди. Бош муҳаррир дафтаримни варақлаб, ўқиб бўлгунларича, юрагим така-пука бўлган. “Ҳозир бир сўз айтадилар-у, ҳаммаси ҳал бўлади”, дея умид билан кутиб турардим. “Яхши, биринчи марта ёзишингизга ёмон эмас, тарбияласа, сиздан яхши ёзувчи чиқади”, дедилар. Шу-шу ижод қилишга рағбатим ортди. Бу воқеани ҳеч унутмайман. Ишга қабул қилиндим. Йиллар ўтиши билан, секин-секин кўп нарсга ўргандим. Ҳозир таътилдаман, боламнинг тарбияси билан банд-ман. “Ҳидоят”да ўрганганларим турмушда жуда асқотяпти. Бош муҳарриримиз баъзан кулиб: “Ҳидоят”нинг энг эски ходимлари мен билан сиз”, деб қўядилар...

Таълим олишни давом эттиряпман

Олий ўқув юртини тугатиб, тўғри “Ҳидоят”га келдим. “Ўқиб, таълим олиб бўлдим, энди ишлашим, олган билимларимни амалда қўллашим керак”, деб ўйлардим. Аммо бу даргоҳда таълим ва тарбия олишни давом эттиряпман. Юқори билимли устозлар қўлидаман. Муносабатлар чиройли, одоб устига қурилган бу ижодхонага ҳар доим интиламан.

Диний-маърифий адабиётда арабча, форсча иборалар кўп учрайди. Аммо “Ҳидоят”да шулар иложи борича ўзбекона қўлланилади. Устозимиз — бош муҳарриримиз: “Ҳар қанақа ҳолат, ҳодиса, туйғу, фикр ё мулоҳазани чиройли ифодалашга тилимизнинг кучи етади, фақат эринмай у сўзни топа билишимиз керак — гап шунда”, дейдилар. Таҳририятимиз ижодкорлари тилимиз софлигини сақлашга ҳаракат қилишади. Унутилаётган сўзларни қўллашади. Бундай ёндашув биз ёшлар учун янгилик бўлиб туюлади. Домла эса: “Бу ишимиз изланиш, тилимизни имкониятларини ахтариш”, деб баҳолайдилар.



Юсуф ҲРИНБОУ ўғли
(тартибловчи муҳаррир)

Ҳамма ижодкор

Талабалик йилларим бу журнални севиб ўқирдим ва ҳар сонини йиғиб юрардим. Ўшанда бу журналда ишлашни орзу қилганман... Аллоҳга шукр, насибам қўшилган экан...

Эрта тонгдан “Ҳидоят” таҳририятига — сеvimли ишхонамга ошиқаман. Хаёлимда режалар тузиб, қандай етиб келганимни билмай қоламан. Куним шу ерда ўтади. Йилнинг уч фасли ховлисида атиргуллар очилиб турадиган ишхонамни яхши кўраман. Хуллас, “Ҳидоят”га бўлакча меҳр кўйганман. Ҳамкасбларим — яқинларим — ҳалол, меҳнаткаш, масъулиятли, инсонлар. Ҳамма ижодкор. Ҳисобчимиз ҳам мақола ёзиши мумкин. Ҳазначининг ижодий ташаббуси ҳам инобатга олинади. Жамоамиз аҳил. Ҳатто кичикларимиздан ўрганамиз. Катталар танбеҳини ўғит деб қабул қиламиз.



Муҳаммад СИДДИҚ
(муҳаррир)

Ҳар сўз ақл ва ҳикмат тарозисиди ўлчанади

Шартнома асосида энди иш бошладим. Аҳил жамоа мени

яхши қаршилади. Бу ердаги сокинлик, яхши муҳитдан ишлашга рағбатим ортди. Ҳамма ходим ишига масъулият билан ёндашади. Ҳар бир сўз ақл ва ҳикмат тарозисиди ўлчанади. Ҳали кўп нарсани ўрганишим кераклигини ҳис қилдим.



Раҳима КАРИМЖОН қизи
(мусахҳиҳа)

Илмим ошаётганидан хурсандман

Иш фаолиятим мана шу журналда бошланган. Ўшанда “Совет Шарқи мусулмонлари” деб номланарди. Бугун яна шу таҳририят ходимасиман. Ишим матн билан боғлиқ. Тераман, тузатаман, яна... “Яна” дейишимнинг боиси, ҳар бир мақола босмага тушгунча қайта-қайта кўрилади. Хато ўтмаслиги керак. Ҳар бир сўз ўн марталаб текширилади. Териш асносида ўқийман, баъзан ёдлайман. Илмим ошаётганидан хурсандман. Терган харфларимнинг савобидан умидворман...



Муборак САДРИДДИН қизи
(бош ҳисобчи)

Миннатдорликлари чексиз

“Ҳидоят” халқимизнинг сеvimли журнаliga айланди. Ҳозир-

да обуначиларимиз ўттиз мингдан ортгани бунинг исботидир.

Хонамиз пастки қаватда — бинога кираверишда жойлашган. Таҳририятга келган киши даст-лаб бизнинг хонага киради. Қабулхонадек... Яна журнал тарқатиш хонаси бўлгани учун ҳам мухлислар билан гавжум. “Савобли иш устидасизлар, Аллоҳ рози бўлсин”, деб дуолар қилишади. Миннатдорликлари чексиз.



Абдуллоҳ ТУРФУН ўғли
(ғазначи)

Эзгулик тилайман

Журнал тайёр ҳолга келиб, ўқувчи кўлига етиб бориши учун қанча ҳаракат ва ҳаражат кетишини яхши биламан. Муаллифлар, муҳаррирларнинг оғир меҳнати, тартибловчи заҳмати, босмахона ишчиларининг ғайрати, ҳайдовчиларнинг ҳиммати, имом-хатиблар, мутаваллиларнинг мақола бериб боришлари сабаб журнал бугун элга манзур бўлди. “Ҳидоят”ни тайёрлаш ва тарқатишга ҳисса кўшаётган барча-барчага Яратгандан эзгуликлар тилайман.

* * *

Кичкинагина тўй баҳона ширин-ширин гаплар билан сизларга ўзимизни таништирдик. Бу дегани, хизматни қойилмақом удалаямиз, дегани эмас. Ҳали камчиликларимиз кўп, қилишимиз зарур бўлган ишлар ундан-да кўп. Шу боис таҳририят ходимлари ҳаммиса яхши дуоларингизга муҳтождирлар.



«ЧЎБИН» ЖОМЕЪ МАСЖИДИ

Ургут туманида ўнлаб жомеъ масжидлари бор. Улардан асосийлари «Чўбин», «Фавсул Аъзам», «Испанза», «Насрулло хожи», Фиштли масжид, «Полвон ота» каби жомелардир.

«Чўбин» жомеи Ургут шаҳри марказида, деҳқон бозоридан сал тепароқда, маҳалла ичкарасида жойлашган. Ўтган аср бошларида масжид ўрнида мадраса бўлган. Масжид қурилиши 1982 йили бошланди. Шундан сўнг хонақоҳ олдидаги, икки ёнидаги айвонлар, 2005 йили

ҳовли тўридаги икки қаватли айвон, 2008 йили эса янги таҳоратхона қуриб битказилди.

«Чўбин» жомеъ масжидига неча йиллардан буён Ургут туман бош имом-хатиби Шоди хожи Ҳақбердиев раҳбарлик қилади. Шоди домла республикаимизнинг энг тажрибали имом-хатибларидан. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан туман масжидларида маънавий тарбия масалаларига катта эътибор бериладиган бўлди. Домланинг «Ҳидоят» журнали билан «Ис-



лом нури» газетасига обунани ташкил этишдаги жонкуярлигининг ўзиёқ бу фикрни исботлаб турибди.

«ТЕГАНА» ЖОМЕЪ МАСЖИДИ



«Тегана» жомеъ масжидининг иккита хонақоҳи бор. Улардан биринчиси 1988 йили ҳашар йўли билан қурилган эди. Иккинчи – янги хонақоҳ 2007 йили бунёд этилди. Яқин атрофдаги Бойдовул, Кенагас, Равот, Юқори Равот, Пастки Равот каби қатор қишлоқлар аҳли жума намозини ўқиш учун «Тегана»га келади. «Тегана» жомеи ўрнида олдин ҳам масжид бўлганини, бироқ у совет замонида бузиб ташланганини айтишади.

Янги хонақоҳни қуришда шу қишлоқлик домла Искандар Халилов ташаббусчи бўлди. Ражаб бобо Халилов, Яздонкул бобо Жуманов, Эргаш бобо Қораев, Абдуқодир бобо Юсупов, Сами хожи бобо Ғофуров сингари отахонлар усталарга, ҳашарчиларга яхши сўзлари ва дуолари билан далда бўлишди. Аълохотин маҳалласидан

ғишт терувчи Уста Жабборқул, ёғоч устаси Мурод Мардонов шогирдлари ва ёрдамчилари билан янги хонақоҳни тез, сифатли қуриб битказишди. Узунлиги 48, эни 17 (6 метри айвон), баландлиги 9 метрли бу жомеда жума ва ҳайит кунлари минг киши хотиржам ибодат қилиши мумкин.

Мухбиримиз



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



«Фикҳ қомуси»



Ҳиндистон бош вазири Муҳаммад Ҳамид Ансорий мамлакат Фикҳ академияси ва Ислом маданияти маркази ташкил этган тантанали маросимда Ислом ҳуқуқшунослиги бўйича нодир манба – “Фикҳ қомуси” урду тилида нашр этилганини маълум қилди. Қирқ беш жилд, ўн етти минг саҳифали мазкур қомусни ўтган асрнинг 70–80 йиллари Қувайт олимлари тузишган, уни урду тилига таржима қилиш ишлари эса 1998 йили бошланган эди.

Тантанали маросимда Муҳаммад Ҳамид Ансорий: “Ҳиндистон билан Қувайт ўртасида қадимдан самимий муносабатлар ўрнатилган. Энди ҳиндистонликлар Қувайт олимлари тузган фикҳга доир улкан қомусни мутолаа қилиш имконига эга бўлишди. Бу нашр мадрасалар, университетлар талабаларига катта қулайликдир”, дея таъкидлади.

Эски масжид қолдиқлари топилди



Ростов вилояти Азов шаҳри марказида XIV асрда қурилган эски масжид қолдиқлари топилди. Қадимшунослар Олтин Ўрда ҳукмронлиги даврларига оид мазкур жоменинг пойдеворларини, устунлари ўрнатилган тош тагликларни очишди. Масжид деворлари эса ён-атрофдаги кўпқаватли уйлар қурилиши жараёнида қулатилган деб ху-

лоса чақаришяпти. Қадимшунослар энди эски масжиднинг пештоқини топиш ниятидалар.

Мутахассислар фикрича, Азов жомеи қадимийлиги жиҳатидан Дарбанд масжидидан кейин Россияда иккинчи ўринда туради.

Кўҳна жомеъ таъмирланади

Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида қадимий “Аслам Силоҳдор” жомеъ масжидини таъмирлаш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу масжидни милодий 1344 – 1345 йиллари султон Носир Муҳаммад саройида қурол-аслаҳа кўриқчиси бўлиб ишлаган Аслам исмли киши қурдирган. Лойиҳага кўра, таъмир ишларига 1,4 миллион дўллар ажратилди. Бу маблағни бир неча америкалик ҳомий, Мисрдаги Америка тадқиқот маркази, шунингдек, АҚШ элчиси жамғармаси ажратадиган бўлишди.



Ислом динига тўхмат ҳалокатли гуноҳдир

Тошкент ва Ўрта Осиё митрополити Владимир яқинда “Российская газета” мухбирига Ислом дини билан Православ дини алоқалари, гиёҳванд



моддалар савдосига қарши кураш ва бошқа долзарб муаммолар мавзуида суҳбат берди.

Мазкур суҳбат чоғи митрополит Владимир жумладан бундай деди: “Мана, йигирма йил

бўлди, кўпчилик аҳолиси мусулмон бўлган Ўрта Осиё мамлакатларида хизмат қиламан. Ислом динини бу дин ҳақида ҳар хил асоссиз гапларни тарқатувчилардан кўра яхшироқ биламан. Шунинг учун эслатиб ўтай: ҳар қандай тухмат, жумладан, Ислом динига тухмат оғир, қонли асоратларга олиб келувчи ҳалокатли гуноҳдир. Террорчи зўравонларнинг Ислом динига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бундай золимлар умуман диндан ташқаридадир”, деб таъкидлади митрополит Владимир.

Энг қимматбаҳо хат



Мисрлик хаттот Аҳмад Мустафо ишлаган хаттотлик асари “Christine’s” кимошди савдосида 662,5 минг дўлларга сотилди. Шундай қилиб, хаттотнинг “Хотира ва шукрона” деб номланган бу асари араб олами замондош санъаткорларининг ижод намуналари орасида энг қимматбаҳоси бўлиб қолди.

Кимошди савдоси Дубай шаҳрида бўлди. Савдолардан тушган маблағ 6,7 миллион дўлларга етди. Бу натижа эса шу йил апрел ойида бўлган савдолар тушумидан икки баравар кўпдир.

Кимошди савдосида ҳинду Тиеба Мета асари 578 минг, туркиялик Бурҳон Тўғончой асари 242,5 минг, эронлик Шарл Хусайн Зиндарудий асари 218,5 минг дўлларга баҳоланди.

“Christine’s” кимошди савдоси Дубай шаҳрида 2006 йилдан буён ўтказиб келинади. Ўтган уч-тўрт йил ичида савдолардан тушадиган маблағ 400 фоизга кўпайди.

Волга бўйида ўтган анжуман



Нижний Новгород шаҳрида мусулмонларнинг Бутунроссия йиғини бўлиб ўтди. Мазкур йиғин доирасида “Инновацияли таълим ва тараққиёт истиқболлари” мавзусида илмий-амалий анжуман уюштирилди. Тадбирга мамлакатнинг турли минтақаларидан келган вакиллар “XXI асрда Россия мусулмонлари жамоаси тараққиёти ғояси”ни ишлаб чиқиш зарурлигини

таъкидлашди. Анжуманда, шунингдек, оммавий-ахборот воситаларида Ислом маданияти асосларини тўғри тарғиб этиш юзасидан фикр алмашилди.

Инқирозга қарши чоралар муҳокамаси

Шу йил 9 нўябр куни Истанбул шаҳрида мусулмон мамлакатлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ислом Конференцияси Ташкилотига аъзо мамлакатлар иқтисодий ҳамкорлиги самарасини ошириш масалалари муҳокама этилди. ИКТ бош котиби Акмалуддин Эҳсонўғли: “Иқтисод ва савдони қўллаб-қувватлаш чоралари кўрила бошлаганидан буён ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо алоқалари жадал ривожланмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, савдо айланмасининг 16,6 фоиз ўсишига эришдик”, дея таъкидлади.

Йиғилишда жаҳон молия инқирози, қашшоқликка қарши кураш каби муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Туркия президенти Абдулла Гул, Афғонистон раҳбари Ҳамид Қарзай, Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажот ва бошқалар ИКТ фаолияти, инқирозга қарши чоралар, мусулмон мамлакатлари иқтисодий салоҳияти, ИКТ доирасида ҳамкорликни янада кенгайтириш мавзуларида гапиришди.

Масжидлар қайта тикланмоқда

Косово пойтахти Приштина шаҳрида Усмонли салтанати даврида – милодий 1470 йили қурилган жомеъ масжиди маҳаллий ишбилармонлар ҳисобидан қайта тикланиб, ишга туширилди. Ҳозир Приштина яқинидаги Маревса қишлоғида бир жомеъ, шунингдек, аҳоли сони жиҳатидан Косовода иккинчи шаҳар бўлмиш Призранда иккита эски масжид таъмирланяпти. Бу ишларга турк халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт мақамаси ёрдам бермоқда.

Косово Ислом уюшмаси маълумотларига кўра, 1999 йилги урушда серб кўшинлари 218 та масжидни вайрон қилишган.



Оила мустаҳкамлиги учун



Шимолий Америка Ислом давраси мусулмонлар орасида

оилавий кадриятларни эъзозлаш бўйича тарғибот ишларини кучайтирди. “Америкаликлар, жумладан, мусулмонларнинг ҳам юксак ахлоқий кадриятлардан хабардорлик даражасини кўтаришимиз керак”, дейди Шимолий Америка Ислом давраси президенти Зоҳид Бухорий. Ташкилот мутахассислари ёрдамга, маслаҳатга муҳтож кишиларга руҳий-маънавий кўмак бериш учун минглаб оилаларда суҳбатлар, ҳар хил касб, турли ёшдаги одамлар билана учрашувлар ўтказишди. Шунингдек, оила кадриятлари мавзуида тайёрланган тарғибот воситаларини тарқатишди. Ташкилот уюштирган тадбирларда АҚШдаги масжидларнинг имом-хатиблари, дин арбоблари, турли соҳа олимлари иштирок этди.

**“Ал-адаб ал-муфрад”
рус тилида**



Россиядаги “Диля” нашриёти Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом)

Имом Бухорий тўплаган муборақ ҳадислари мажмуаси “Ал-адаб ал-муфрад” китобини илк бор рус тилида чоп этди. Сизга яхши маълум, буюк аллома бобомиз бу китобга мусулмоннинг юксак ахлоқ-одобига доир ҳадиси шарифларни жамлаган. Китобнинг 320 саҳифали мазкур русча нашри сўзбоши, изоҳлар ва луғат билан бойитилган.


Эслатиб ўтамик, Имом Бухорийнинг машҳур “Саҳиҳ”лари ҳам олдин рус тилида чоп этилган эди.

Аждодларимизга муносиб бўлайлик

Буюк алломаларимиз билан фахрланамиз. Аммо улар бу даражага кўп меҳнату машаққатлар эвазига етишганларини баъзан унутиб қўямиз. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий (раҳматуллоҳи алайҳим) каби аждодларимиз илм йўлида озмунча заҳмат чекишганми?

1917 йили чоп этилган “Ислоҳ” номли журнал тўплами яқинда қўлимга тушиб қолди. Йигирма тўртта сони бир жилд қилинган экан. Саҳифаларда ҳар хил белгилар кўплиги, варақлари унқиқиб кетганидан жуда кўп ўқилгани билиниб турарди. Бу ҳол ота-боболаримиз илмга нақадар чанқоқ бўлишганидан далолат.

Яқинда бир тарих ўқитув-



чиси билан яйпанлик олимлар тўғрисида гаплашиб қолдим. Унинг бир сўзи диққатимни тортди. Эски замонда яйпанлик бир домла китоб ўқиш иштиёқи зўрлигидан кечқурунлари хотини тандир ё ўчоққа ўт ёқса, ёруғида китоб ўқиркан.

Биз шундай китобсевар халқнинг болаларимиз. Бугун илм олиш учун бизда имконият қандай яхши. Негадир китоб ўқишга иштиёқ илгаригидек эмас.

Усмон САИДОВ,
Ўзбекистон тумани бош имом-хатиби

Шукрона

Чорак аср дард чекдим. Ўн йилни тўшакдан туролмай ўтказдим. Сабр ва шукр қилдим. Дунёга сиғмасдай туюлган кезларим икки сабаб мени яшашга ундади: сабр ва Аллоҳга ишонч. Ўн саккиз минг оламини яратган Қодир Зот учун бир беморнинг дардига шифо бериш нима деган гап?! Тун-саҳарлар уйғониб, Ўзига муножот қилдим. Оғриқ тинчлик бермасди. Ёлғиз имконим имон-эйтиқодим, зикрга қодир тилим эди. Ҳеч банд бу ҳолга тушмасин...

Сабр қилган бандга дард ҳам бир раҳмат экан. Меҳрибон Аллоҳ дуоларимни қабул қилди, қалбимга сокинлик

бахш этди. Оғриқлар-да чекина бошлади.

Ниҳоят, бир тонг қалбим тўла ишқ билан уйғондим. Ҳар қимирлаган жонга, ҳатто саргайган хасга ҳам меҳр-муҳаббатли бўлиб қолдим. Доридармонлар билан чекинмаган дард ўз-ўзидан кета бошлади. Ҳеч кимдан ранжимай қўйдим. Кўп ўтмай оз-оз юра диган бўлдим. Кўчага чиқиб, қўни-қўшнилари дийдорини кўрдим, суҳбатлашдим. Руҳимда ажиб энгиллик туйиб яшай бошладим. Шукр ва сабр билан шифо топдим. Аллоҳга ҳамду саноларим чексиз.

Абдусалом ИБРОҲИМОВ,
Тошкент шахри

Тарихга назар солсак, кўпчилик буюк олимлар, мутафаккирлар Ислом дини билан бирга бошқа динлар таълимоти, тарихи, манбаларини ҳам ўрганишганини кўрамиз. Абу Райҳон Берунийнинг (973–1048) “Осорул боқия ан қурунул холия” (“Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар”), Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристонийнинг (1087–1154) “Милал ван ниҳал” (“Динлар ва оқимлар”), Ибн Ҳазм Андалусийнинг “Фасл фил милал вал аҳво ван ниҳал” (“Динлар, адашган фирқалар ва мазҳабни ажратиш”) каби асарлари бунга мисол бўла олади. Мисрнинг таниқли олимларидан Муҳаммад Халифа: “Динлар тари-

диради. Бу фанни ўрганиш, биринчидан, бошқа диндагилар билан тинч-тотув, бағрикенгликда яшаш, иккинчидан, Ислом таълимотларини тўғри англаб етиш учун керак бўлади.

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Муслмонларга бошқа динлар ҳақида маълумот беришда ўта эҳтиёткор бўлиш керак. Яъни, одамларда диний мурасасизлик, мутаассиблик ҳиссини уйғотмаслик зарур. Бу эса ўқитувчидан минтақа аҳолиси урф-одатлари ва диний эътиқодидан яхши хабардор бўлишни, яъни, қўшимча изла-нишларни талаб этади.

Шу жиҳатдан янги авлодга диншунослик фа-

ДИНШУНОСЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ



хи Ислом илмий меросидаги асосий фанлардан бўлиб, афсуски, замондош муслмон тадқиқотчилар унга етарли эътибор беришмаяпти. Ҳолбуки, Ислом олимлари илк ҳижрий асрлардаёқ аввалиги динларни ўрга-

нишга киришишган, бу борада муайян услуб яратиб, бебаҳо асарлар ёзишган”, дея таъкидлайди. Зеро, Берунийнинг “Осорул боқия” китоби ўзбек, инглиз¹, форс², рус³ тилларига таржима қилингани турли халқларнинг бу асарга катта қизиқишидан далолатдир.

Айни пайтда Ислом олами, хусусан, араб мамлакатлари диншунослигида бошқача манзарага гувоҳ бўламиз. Жумладан, Мисрдаги “Ал-Азҳар” университети устозларидан доктор Аҳмад Шалабий ва доктор Рауф Шалабий, Илмий тадқиқотлар, фатво ва иршод маркази раиси Муҳаммад Абу Заҳра каби олимлар салмоқли илмий ишлар қилишди. Улар ҳозир ҳам исломият ва бошқа динлар тарихи бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришяпти.

Муқаддас Китобимиз Қуръони каримда яҳудийлик, насронийлик, собийлик каби дин ва эътиқодларга оид кўплаб маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) муборак ҳадисларида ҳам шундай маълумотлар кўп. Ислом динининг асосий икки манбаида бундай маълумотлар борлиги муслмонларга бошқа динлар тарихини ҳам ўрганиш мумкинлигини бил-

нини ўқитиш, бошқа динлар тўғрисида холис ва илмий асосланган тушунчаларни тўғри етказиш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, юртбошимиз Ислом Каримов: “Ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшлар фақат Ислом дини тўғрисида эмас, умуман, дунёдаги мавжуд барча динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлсин”⁴, деб таъкидлаганлар.

Ислом таълимотига доир илмлар ва диншунослик фани бир-бирига зид эмас, балки бири иккинчисини тўлдирувчидир. Шундай экан, масалани чуқур таҳлил этиб, натижаларини кенг ёритиш, юртимизда ўзига хос диншунослик мактабини шакллантириш мазкур соҳа мутахассислари ва тадқиқотчилар олдидаги долзарб вазифадир. Ҳозирги кунда Тошкент Ислом университети, Тошкент Давлат Шарқшунослик ва Тошкент Ислом институтларида “диншунослик” ва “исломшунослик” мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. Уларнинг диншунослик фанини янги босқичга кўтаришлари ишонамиз.

Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ,

*Тошкент Ислом институти ректори,
тарих фанлари номзоди*

¹ Немис олими Эдуард Захау (1845–1930) 1876–1878 йиллари арабча матнини, 1879 йили инглиз тилига таржимасини Лейпсигда чоп эттирган.

² Акбар Доно Сиришт Сайрафий 1943 йили Техронда босмадан чиқарди.

³ Рус арабшуноси М. Салие 1957 йили таржима қилди.

⁴ Ислом Каримов. “Озод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”. “Ўзбекистон”, 2000 й.

Эл димоғин қил муаллифлар

Садриддин САЛИМ БУХОРИЙ

КЎНГИЛ ГАВҲАРЛАРИ

* * *

Маънавият дарахтисан, Ватаним,
Илму ҳикмат, нур тахтисан, Ватаним.
Жумла жаҳон сенга қараб талпинар,
Авлиёлар пойтахтисан, Ватаним.

* * *

Дарахтим, кўкка бўй чўз, тананг сиғмас кучоққа,
Асфалтларни ёравер, нафасинг ўхшар боққа.
Қушларга манзил ўзинг, илдизларинг мустаҳкам,
Соя-салқинсан ахир ўзинг шаҳар-қишлоққа.

* * *

Тириклик ўлимдан келмайди,
Адашиш йўлимдан келмайди.
Қўп ишлар қўлимдан келар-у,
Ёмонлик қўлимдан келмайди.

* * *

Биз она юрт шарафи, ори,
Истиқлолнинг гўзал баҳори.
Бобомизга ўхшаб яшайлик,
Бобомиз Нақшбанд, Бухорий!



Беҳзод ФАЗЛИДДИН


СЎНГИ ВАЪДА

Ёруғ шеърлар ёзаман энди,
Сен ҳам фақат яхши тушлар кўр.
Мен иккинчи ўзимни енгдим,
Мен ўзимдан яна келдим зўр.

Ўз измига тушар ҳаммаси,
Қор остида қолиб кетмас из.
Жинкўчада зулмат шарпаси —
Омон сақлар бизни Ишқимиз.

Нима йўлдан урар бандани?
Айтганингдан четга жилмайман.
Тангрим, кечир мен арзандани,
Ортиқ Сенга исён қилмайман.

Ўз юртига ҳайдайман ғамни,
Йўқотишдан, тамом, кўрқмайман.
Тополмаса агар кулбамни,
Ёруғликни ўзим йўқлайман.



* * *

Бардош либосининг иплари тигдан,
Амаллаб кийдингми, ечишдан не наф?
Кўзингни яширма кўнгли мунглигдан,
Сева олиш шараф, севилиш шараф.

Дақёнусдан эски бу даҳри дунда
Бир янги заррадай кўзга илинсам.
Муродим гуллари очилган кунда
Не тонг, яшашга ҳам маҳкум қилинсам...

Сўнги нафасгача эшиклар очиқ,
Ўз ҳолидан ўзи гумонда гумон.
Наздимда, кўрмаган бу қадар Ошиқ
Бир томчи дийдорга ғарқ бўлган жаҳон...

ЭСКИ ҲАҚИҚАТ

Гар пихини ёрган фуқаро
Ўзлаштирмақ бўлар бугунни,
Ечолмасдир минг йиллар аро
Севги деган эски тугунни.

Фақат сира тинч қўймас бир ҳол,
Ўйлатади дунё ишлари:
Нигоҳлари мабюс мажнунтол,
Чинорларнинг хўрсинишлари...



Жамбилу райхон Каби

Маҳмадўст САЪДИНОВ

ЯХШИЛИК

Яхшилик қил, яхшилик,
Майли, зарар кўрсанг ҳам.
Умр дарё, фанимат —
Ҳар нафасу ҳар қадам.

Яхшилик қил, яхшилик,
Барчамиз ожиз банда.
Яхшилик қилмаганлар
Ҳаммаси пушаймонда.

Яхшилик қил, ҳеч қачон
Яхшилик ерда қолмас.
Топган давлат — ажрингни
Ҳеч ким тортиб ололмас.

Яхшилик қил, яхшилик
Ёруғ этса юзингни.
Оламда энг бахтиёр
Ҳисоблайвер ўзингни.

Яхшилик қил, яхшилик!..

Рустам ҚОДИР

ЧУСТИЙ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Яхшиликнинг тошини ол
елкага полвон каби,
Қалб аро ҳимматга жой бер
чин, асл инсон каби,
Доимо лутфу карам бўлсин
сенга ёр жон каби,
Эл учун кўксингни оч бир
тўкин дастурхон каби,
Сўзларинг бўлсин танурдан
янги узган нон каби.

Айлагил тинмай саёҳат
хайру ҳиммат боғида,
Шод қил муҳтожни
лутфу саховат боғида,
Яхши суҳбатлар била
меҳру муҳаббат боғида,
Яшнамоқни истасанг
тобора ҳурмат боғида,
Эл димоғин қил муаттар
жамбилу райхон каби.

Одамийлик оташида пишса,
ёнса ҳар киши,
Бемурувват кимсалардан қочса,
тонса ҳар киши,
Яхшининг яхши ишидан
гар қувонса ҳар киши,
Қалбидан бергай ўрин сенга
ишонса ҳар киши,
Энг буюк ҳиммат каби,
инсоф каби, имон каби.

Ҳар қаён кўйсанг қадам,
қолсин-да сендан яхши из,
Барчага сўз-суҳбатинг бўлсин
асалдан ҳам лазиз,
Кўргузуб фаҳму фаросат,
покиза ақлу тамиз,
Халқимиз жисмида жон бўл,
жондан ортиқ бўл азиз,
Мавж урар меҳринг элинг
қалбида қайноқ қон каби.

Одам ўғли, пок номинг
ҳар қадамда оқлагил,
Элу юртинга ҳамиша
бўл мадаккор, ёқлагил,
Даврнинг мазмунли ўтган
ҳар дамин ардоқлагил,
Қайнаган умринг булоғин
сен мусаффо сақлагил,
Ўйнашиб лойлатма, тупроқ
сочма шўх ўғлон каби.

Нобакор, нокас, бахиллар
бирла оламдир қафас,
Одамийлик боғига эккан
ниҳолим унса, бас,
Тушмасин кўнглингда ҳиммат
кўзларига хору хас,
Меҳнату роҳат, ширин суҳбат
ганимат ҳар нафас,
Сенга мен ҳам, менга сен ҳам
бир азиз меҳмон каби.

Яйрасин қалбингда, ўссин
мардлик, сидқу вафо,
Хокисорлик, хуш тавозеъ
сенга бўлсин муддао,
Яхши хулқинг бирла, Рустам,
топсин эл сендан сафо,
Ибрат ол ойу қуёшдан
ҳар туну кун, Чустийё,
Хизмат эт халқингга доим
ер билан осмон каби.



Ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярми Мовароуннахр маданияти ҳақида сўз кетганида, Мирхонд номини тилга олмай илож йўқ. Мирхонд (тўлиқ исми Мир Хованд Муҳаммад ибн Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳ ибн Камолддин Маҳмуд Балхий) замонасининг машҳур тарихчиси эди. Отаси асли бухоролик бўлган Мирхонд милодий 1434 йили Шарқий Хуросон пойтахти Ҳиротда дунёга келган. Ёшлигиданоқ илм-фанга берилиб, ухровий ва дунёвий фанларни чуқур ўрганади. У ажойиб хотираси, ақл-заковати, ўткир зеҳни билан ажралиб турарди. Бўлажак олим кўп йиллар давомида ўз даври муҳитини синчиклаб ку-

бирлан ул остона ва орзу ҳамда омонлик қиблага, яъни олижаноб Султон Ҳусайн Бойқаро ҳазратларининг дўсти ҳузурига боргунларича ва турли навозиш, марҳамат ҳамда илтифот ва мурувватларини топмагунларича давом этди. Ниҳоят, шундан кейин хусрав нишон амир Алишер Навоий “Ихлосия” хонақосида ўзининг ёқимли ҳузур-ҳаловати учун ажратилган хонани ул жанобга иноят қилиб, “Равзатус сафо”ни ёзишга буюрдилар”.¹

Замонасининг машҳур тарихчиси Мирхонд 1498 йил 23 июнда олтамиш беш ёшида Ҳирот шаҳрида оғир хасталикдан вафот этади.


“Равзатус сафо”да ўша замон тарихчила-

ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ

затади, тарихни ўрганиш мақсадида кўп ўлкаларга саёҳат қилади, тадқиқот ишлари билан шуғулланади, олдин ўтган кўплаб машҳур олиму фузалолар асарларини мутолаа қилади, қимматли манбалар тўплайди.

Мирхонд “Равзатус сафо” (“Покиза боғ”) асарини ғазал мулкининг султони Алишер Навоий тақлифига кўра ёзган. Мирхонд асари сўзбошисида энг олдин китоб режасини Алишер Навоийга берганини, устози маъқуллаганидан кейингина ёзишга киришганини айтади. Бу ҳақда Мирхонднинг набираси Хондамир (1475–1534 йил) “Хулосатул ахбор фи ахволл ахёр” (“Хайрли кишилар аҳволида (жаҳон) хабарлари хулосаси”) асарида бундай ёзади:

“Падарпаноҳ жаноб амир Хованд Муҳаммад (Мирхонд демоқчи – Ҳ.З.) йигитлик чоғларида илмларни пухта таҳсил қилиш ва нафис фазилатларни камолга етказиш учун зўр тиришқоқлик ҳамда жуда кучли меҳнат билан ўқиди, изланди ва Тангрининг чексиз қувватлаши ҳамда битмас-туганмас файзининг фазли ила қисқа вақт ичида билимда давр фозилларидан пешқадам бўлди. Ўша вақтда ул жаноб тарих ва ахбор илмини касб айлади, дунё аҳволлари ҳамда нишонларини таҳқиқ қилишга киришди. Ўзининг олижаноб хотирини бу фанни эгаллашдан тез вақт ичида хотиржам қилди, аммо аҳволи ва мизожи маишат аҳли билан қўшилмаслиги ва завқу шавққа берилмаслиги туфайли, китоблар битмади ва иншо қилмади, дарс (бериш) ва панд-насихат (қилиш)га иштиёқ ҳаргиз равшан хотирада порламади. Аммо... Парвардигори оламнинг инояти



ридан Жомий, Язорий, Низомиддин Шомий, Ибн Арабшоҳ, Ҳофизи Абру, Фиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандийлар асарларидаги каби мозийнинг теран қатламларидан то ўзи яшаган давр воқеаларигача кенг баён этилади. Асарнинг биринчи жилди, таомилга биноан, оламнинг пайдо бўлишидан то Эрон давлати ҳукмдорлари сосонийларгача, иккинчи жилди Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туғилишларидан то Ҳазрати Али (яъни, Ислом халифалиги даври)гача, учинчи жилди аббосийлар салтанатигача, тўртинчи жилди Чингизхонгача бўлган майда салтанатлар тарихини, бешинчи жилди Чингизхон ва унинг авлодлари салтанатлари, олтинчи жилди

¹ “Хулосатул ахбор”, ЎзФА ШИ қўлёзмалар жағфармаси. Инв. рақами 2209, в.2-б.



Амир Темур ва темурийлар салтанати даврларини қамраб олади. Еттинчи жилд эса Мирзо Улуғбек (1393–1449) ҳукмронлигининг сўнгги даврларидан то 1493 йилгача, яъни Ҳусайн Бойқа-ро тарихини ёритиш ва асар хотимаси билан тугалланади. “Равзатус сафо” бошқа тарих китобларида учрамайдиган жуда бой нодир, илмий маълумотлар жамлангани билан ҳам жуда қимматлидир.

XIX аср бошларида Хива хони Элтузархон буйруғи билан шоир ва тарихчи Шермуҳаммад Мунис (1778–1829) Мирхонднинг ушбу асарини форсийдан туркий (эски ўзбек) тилига таржима қилишга киришган. Лекин Мунис бу асарнинг биринчи жилдини тамомлаб, иккинчи жилдини ўгираётган вақтда оламдан ўтиб, иш чала қолади. Кейинчалик асар таржимасини Муниснинг жияни, олим ва маърифатпарвар шоир Муҳаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий (1809–1874) давом эттиради.

“Равзатус сафо” асари охириги марта 1904 йили Ҳиндистоннинг Лакнав шаҳрида тош босма усулида форс тилида чоп этилган. 1905 йили эса Мирхонд асарининг бошқа нусхасини (эҳтимол, бу Мунис ва Огаҳийлар таржимасининг давомидир – Ҳ.З.) Хивада истеъдодли тарихчи ва хаттот Муҳаммад Шариф Девон китобхонга тушунарли қилиб ўзбекчага ўгиради. Маданиятимизнинг нодир ёдгорлиги “Равзатус сафо” ҳозир Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг “Тўй, маросим ва маъракаларни меъёрида ўтказиш тўғрисида”ги фатво-си чиққанига анча бўлди. Фатвода тўй олди, тўй ва тўйдан кейинги дабдабали тадбирлар қисқартирилиши, ихчам тарзда ўтказилиши айтилган эди.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **«Кариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофга мутлақо йўл қўйманг! Чун-**

тига бағишласа нур устига нур бўлади. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бир йигит келиб, онаси вафот этганини айтиб, нима қилса онасининг руҳи шод бўлишини сўраганида, Пайғамбаримиз (соллalloҳу алайҳи ва саллам) қудук қазиб, сув чиқаргин, деб жавоб берганлар. Йигит қудук қазиб сув чиқаради ва унинг савобини онасига бағишлайди (Имом Ҳаким ривояти).

Марҳумнинг руҳониятига савобини бағишлаш учун

ИСРОФ ГУНОҲ ИШЛАРДАНДИР

ки исрофчилар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукр эди» (Исро, 26-27).

Ҳадиси шарифларда: “Тежамкор одам ҳеч қачон қашшоқлик кўрмайди”; “Таомларнинг ёмони қорни очлар қолиб, қорни тўқлар қақирилган зиёфатдир”, дейилади.

Президентимиз Ислом Каримов маърузаларидан бирида: “Агар бир тўйга кетадиган маблағнинг бир қисмини ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжига, оила юмушларини енгиллатишга, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, болаларимизга чуқур билим бериш, бир сўз билан айтсак, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарф қилсак, бу энг оқилона ва энг савоб иш бўлур эди”, деган эдилар.

Чиндан ҳам, ортиқча маблағи бор одам муҳтож ва ночор оилаларга, меҳрибонлик уйларига ёки манфаати олмага етадиган жойларга ёрдам кўрсатиб, уларнинг савобини марҳумлар руҳония-


қилинадиган маъракаларни муайян кунга боғламасдан, қарз кўтармасдан ўтказиш керак. Аза уч кундир. Аза кунларида мусибатли хонадон эгаларига қўшниларининг егулик чиқаришлари мустаҳабдир.

Демак, ҳаддан ошиш, исроф, “фалончидан мен камми”, деб манманлик ва риёкорлик билан тўйларга, маросимларга керагидан ортиқча сарф-ҳаражат қилиш ҳам ақлан, ҳам шаръан тўғри эмас, яъни гуноҳ ишлардандир...

Исмоил ҳожи РАЙҲОНОВ

*ЎМИнинг Қашқадарё вилояти
вакили*





Инсоний бурчимиз

Ёз кунлари эди. Хой-ҳавасларимни сал жиловлаш мақсадида қабристонни зиёрат қилдим. Аммо у ердаги аҳволдан дилим ранжиди... Қабрларни те-

Соғлиқнинг баҳоси йўқ

Гидамларимизни ювиб, кўча панжараларига осган эдик. Ҳали қуришга улгурмай, энг каттасини ўғрилар “уриб” кетишди. Қиммат гидам эди, аламдан қайғуриб, йиғладим. Кечгача изладик. Топилмаслигига ишонсам ҳам, умид узолмасдим. Яқинларим далда беришар, юпатмоқчи бўлишарди.

Бир куни «Дурдоналар хазинаси» номли китобни варақлаб ўтириб, “Инсон табиати

орасида кўп бўлардим. Бир куни ғалати ҳолга дуч келдим. Баланд девор ортидан аёл кишининг тинмай қарганиб, бақириси эшитиларди. Аҳвол сўрамоқчи бўлиб ичкари кирсам, менга ўшқира кетди:

– Ҳа, сизгаям етиб бордимми? Шикоят қилишдимми? Улар бўлсам ўлиб бўлдим, дод бу чолнинг дастидан... Касал деса, касалга ўхшамаса. Ўғлига олиб қўйган овқатимни судралиб келиб ичиб қўйибди.

Қамиш капачадан қариянинг инграши эшитилди. Ўша ёққа юрдим. Қарасам, эти суякларидан

ЎТГАН УМР ҚАЙТМАЙДИ

палаб юрган сигир-бузоқлар гўё юрагимга туёқ босишаётгандек туюлди.

Ота-боболаримиз ётган жойларда мол-қўй боқиш, у ердаги майсаларни ўриш ёки ёқиб юбориш ҳеч қандай одоб доирасига сизмайди. Ахир кечагина биз билан бирга юрган, бир дастурхон атрофида ўтирган яқинларимиз кўмилган жой шунчалар қадрсизми? Уларнинг қабрлари устида унган ўт-ўланларни мол-қўйларимиз егач, сут ва гўшт бўлиб, дастурхонимизга тушса, нақадар ёмон. Ҳадиси шарифлар қабрларни оёқости қилмасликка чақиради. Чунки ҳар бир ҳўл новда ё майса ўлган киши учун тасбеҳ ва истиғфор айтади. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу): “Қабрни босишдан кўра, чўғ устига оёқ қўйиш мен учун афзалроқдир”, деганлар. Шунингдек, қабристонда беҳуда гапларни гапириш ва кулиш ярамайди. Қабристон ўтганларни ёд этиб, ҳақларига дуою саломлар йўлланадиган, ибрат олинадиган маскан. Марҳумларни ҳурматлаш, уларга Аллоҳдан раҳмат-мағфират сўраш инсоний бурчимиздир.

Салоҳиддин КАМОЛОВ,
Шаҳрисабз

ғалати: у бойлигини йўқотса қайғуради, лекин умри беҳуда ўтаётгани билан иши йўқ”, деган сатрларга кўзим тушди. Юрагим сиқилиб, қўлим ишга бормай юрган кезларимда бу ибора ўзимга келишимга сабаб бўлди. Қайта-қайта ўқидим. Ўз-ўзимдан уялдим. Сотиб олса бўладиган гидамга шунча ачинишман, ҳаётимнинг самарасиз ўтаётганини ўйламабман. Қийматини ўлчаб ё ортага қайтариб бўлмайдиган умримни, ёшлигимни, соғлигимни айрим бекорчи нарсаларга сарфлаётганимдан қалбимга оғриқ кирди...

ХОСИЯТ,

Тошкент шаҳри

Ёмон дуодан сақланинг

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ қошида мақбулдир: мазлумнинг, мусофирнинг ва ота-онанинг дуоси”, деганлар» (Имом Бухорий, “Ал-адаб ал-муфрад”).

Бу воқеани дўстимнинг тилидан ҳикоя қиляпман: «Ўша вақтлар калхўз раиси эдим. Вазифам тақозоси билан одамлар

га ёпишган Шодмон ота бурчакда бир бурда бўлиб ўтирарди. Титраб кетдим. Аёл эса ҳамон бақирарди. Чол кўзи тўла ёш:

– Бола-чақага керак бўлмасанг, ёмон экан. Ўзингдан чиққан балага... Бу ердан олиб кетинг, раис... келинимга хор бўлдим... – деб зорланди.

Келинига насиҳат таъсир қилмади. Кўчага чиқдим. Идорага қайтиб, чолни қариялар уйига жойлаш чорасини кўргунимча бир-икки кун ўтди. Иттифоқо, отахоннинг оламдан ўтгани ҳақида хабар келди. Бояқиш ноқобил ўғил билан нобакор келиндан қутулган эди...

Бир куни ишга жўнайман деб турсам, бир мотосикл эшик олдида тўхтади. Келган киши:

– Раис бува, Шодмон отанинг келини қазо қилибди. Танدير учун Қизилжардан тупроқ қовлаётган экан... – деди.

Чолнинг “Жар тагида қолгур келинимга хор бўлдим...” деган гапи қулоғим остида жанранглаб кетди. Жанозасига бордим. Бир четда ўтирган ўғлига кўзим тушди, сесканиб кетдим. Юзи сарғиш, олачипор илондек совуқ эди.

Чори МУҲАММАДНАЗАР,
Қумқўрғон тумани

ШАФҚАТ ТИЛАСАНГ, ШАФҚАТЛИ БЎЛ

Менинг товам кичкина

Бир қария балиқ овлаш учун кўл бўйига келди. Соҳилда овчилар кўп эди. Чол қармоқни кўлга ташлаб, анча кутди. Каттагина балиқ илинди. Қария балиқни оҳиста кўлига олди, синчиклаб қаради-да, сувга отиб юборди.

Ҳали ҳеч ким балиқ тута оламаган эди. Қария яна битта балиқ тутди, негадир уни ҳам кўйиб юборди. У ҳар гал катта-катта балиқларни тутиб, бир кўздан кечиргач, яна кўлга иргитиб юбораверди. Уни кузатиб турган балиқчилардан бири қариядан сўради:

— Нима қилиясиз, отахон! Биз ҳалигача битта ҳам балиқ тута олмадик. Сиз эса қармоққа илинган катта-катта балиқларни кўлга отиб юбораясиз?

— Менинг товам кичкинада, болам... — деб жавоб берди отахон қулиб...

Муҳаббат билан бирга

Бир аёл кечқурун уйига қайтганида, эшиги олдида уч меҳмон турганини кўрди ва улардан кимлигини сўради. Биринчиси: “Менинг исмим Бойлик”, иккинчиси: “Меники Бахт”, учинчиси: «Меники эса Муҳаббат», деб ўзиларини таништиришди.

Аёл уйига таклиф этди, аммо улар киришни хоҳлашмади. Аёл ҳозиргина ишдан қайтган эрига воқеани айтди. Эри:

— Уларни уйга таклиф қил, — деди.

Аёл яна таклиф қилганида, улардан бири:

— Ҳаммамиз бир пайтда кира олмаймиз. Сен учовимиздан биримизни таклиф қилишинг керак, — деди.

Аёл бу гапни эрига етказди.

— Унда Бойликни чақир, уйимиз ноёб, қиммат нарсаларга тўлсин, — деди эри.

Аёл эса Бахтни чақирайми деб турганида, келини:

— Муҳаббатни таклиф қилайлик, уйимиз севги-муҳаббатга тўлсин, — деди.

Аёлга ҳам, эрига ҳам бу таклиф маъқул келди. Муҳаббатни ичкарига чорлашди. Муҳаббат уйга кираркан, Бойлик билан Бахт ҳам унинг ортидан эргашишди. Аёл:

— Биз Муҳаббатни таклиф қилдик. Сизлар... — деди ҳайрон бўлиб. Бойлик шундай жавоб берди:

— Агар мени ёки Бахтни таклиф қилганларингда, қолганлар кутган бўларди. Модомики Муҳаббатни истаган экансизлар, Бойлик ва Бахт ҳам у билан бирга бўлади.

Акс садо ва ҳаёт

Ота билан ўғил тоғда кезиб юришарди. Бирдан ўғли қоқилиб тушди ва жони оғриб, бақириб юборди. Узоқдаги чўққидан у чеккан “оҳ”нинг акс-садоси келди. Бола бу садони эшитиб, ҳайрон қолди ва:

“Сен кимсан?” деб бақирди. Яна: “Сен кимсан?” деб акс-садо келди. Бола ғазаб билан: “Сен кўрқоқсан!” деб бақирди. Тоғдан ҳам: “Сен кўрқоқсан!” деган жавоб келди.

Бола отасига қараб:

— Дада, нима бўляпти? — деб сўради.

— Ўғлим, буни билиб ол, — дедию отаси тоққа қараб: “Сенга ҳайронман!” деб бақирди. Тоғдан жавоб келди: “Сенга ҳайронман!” Отаси энди: “Сен муҳташамсан!” деб бақирди. Жавоб келди: “Сен муҳташамсан!” Бола ҳайрон қолди, аммо ҳали ҳам нималар бўлаётганини фаҳмлай олмасди. Отаси бу воқеани шундай изоҳлади:

— Ўғлим, буни одамлар “акс-садо” дейишади, аслида бу ҳаётнинг бир қонунидир. Бошқаларга берганларини ҳаётдан оласан. Ҳаёт бизнинг қилмишларимиздан иборат. Севги истансанг, кўпроқ сев! Шафқат тиласанг, янада шафқатли бўл! Ҳурмат истасанг, катта-кичикни эъзозла. Инсонларнинг сенга сабрли бўлишларини истасанг, ўзинг ҳам сабрли бўлишни ўрган.

Муна ва Сумайро
АБДУЛЛОҲ МУРОД
қизлари
тайёрлашди.




Кутилмаган воқеа-ходисалар, айниқса, ёнғин чиқиши ва унинг ёмон оқибатлари кишини ташвишга солади. Ёнғин ўзидан ўзи юз бермайди. Олиб борилган амалий таҳлиллар ёнғин кўпинча, одамларнинг оловдан, газ ва электр ускуналарида эҳтиётсизлик билан ё нотўғри фойдаланишлари оқибатида юз бераётганини кўрсатапти. Афсус, бу ҳолга бўш қарайдиган, ҳатто бола-

қади ва ёнғин ҳодисасига сабаб бўлади.

2. Фарзандларингиз пақилдоқлар ўйнашларига йўл қўйманг.

Янги йил яқин келди дегунча, пақилдоқлар отиш кўпаяди. Баъзи ота-оналар оқибатини ўйламай болаларига ўзлари олиб беришади. Ўтган йили бир бола пақилдоққа ўт туташтириб, томга отиб юборган ва катта ёнғин чиқишига сабаб бўлган эди.



Хаттотлар мусобақаси

Пойтахтимиздаги Миср Араб Республикаси элчихонасининг фан ва таълим марказида хаттотлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда республикамиздан йигирмага яқин хаттот иштирок этди, асарларини намойиш қилди.

Биринчи ўринга Абдуғафур Раззоқов ва Салимжон Собиржон ўғли лойиқ топилди. Кейинги ўринлар Тўхтамурод Зуфаров, Ислон Маматов, Олимжон Шарипов, Рафиддин Сайфиддинов, Баҳодир Солиев, Жасур Баҳодиров, Хайрулло Лутфуллаев ва Камолддин Абдуллаевларга теги.

Юқори ўрин эгаларига шаҳодатнома ва махсус совғалар тақдим этилди.

ЎТ БАЛОСИДАН САҚЛАСИН



ларни ўз ҳолига қолдирадиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Ёнғиндан моддий зарар кўрилса, ўрни тўлиб кетар, аммо офат инсон ҳаётига зомин бўлса-чи? Ёнғиндан сақланиш тартиб-қоидаларини билиш шунинг учун ҳам муҳимдир.

1. Ёш болаларни уйда ёлғиз, ё назоратсиз қолдирманг.

Бола қизиқувчан бўлади. Ҳаракатларининг оқибатини ўйламайди. Мана бир воқеа: Ота-она болаларини уйда қолдириб, кўчага чиқишган. Хархаша қилмай ўтиришсин деб телевизорни қўйиб кетишган. Ток улагич носозлиги сабаб ундан чўғ чи-

3. Газ қувурлари созлигини назорат қилиб турунг.

Газ қувурлари уланган жойларни кўздан кечиринг. Яна бир воқеа: Ер остидан ўтқазилган газ қувури йиллар ўтиши билан занглаб, тешилган. Ундан чиққан газ сичқон ини орқали ўтиб, кучли босимда бир оғилда тўпланди. Кечқурун уй эгаси нимадир излаб оғилга кирди, гугурт чақади...

4. Томда мўриларга ёнувчан нарсаларни (қоғоз, хас-хашак, ёғоч ва ҳоказо) суяб (умуман, яқинига ҳам) қўйманг.

Тоир ФАЙЗУЛЛАЕВ,
12-ҲЁХБ нозири

Муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг нашрлари — “Ҳидоят” журнаliga, журналнинг қорақалпоқ тилидаги чораклик иловаси “Ҳидоят”га ва “Ислон нури” газетасига, газетанинг қорақалпоқча чораклик иловаси “Ислон нури”га 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Нашрларимизга барча алоқа бўлимларида ва уйингизга яқин масжидларда обуна бўлишингиз мумкин.

Нашр кўрсаткичларимиз: “Ҳидоят” — 1034, 1051; “Ҳидоят” (қорақалпоқ тилида) — 1035; “Ислон нури”, “Ислон нури” (қорақалпоқ тилида) — 195.